Оила соғлом ва бахтли бўлса,
бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA info@adolatgzt.uz ● www.adolatgzt.uz ● www.adolat.uz ● № 10 (1074) ● 2016-yil, 6-mart, yakshanba

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Она табиат чирой очиб, атроф-муҳит яшил либосга бурканиб, баҳор нашидаси тобора кучайиб бораётган айни шу фусункор айёмда сиз, азизларимни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Мана шу байрам кунларида биз — юртимизнинг кексаю ёш барча-барча эркак зоти, мард ўғлонлари ҳақиқатан ҳам Яратганнинг мўъжизаси бўлмиш аёл сиймоси олдида, авваламбор, меҳрибон оналаримиз олдида бош эгиб, таъзим бажо келтирамиз.

Мунис опа-сингилларимиз, вафодор умр йўлдошларимиз, дунёдаги энг чиройли, латофатли қизларимизни табриклаб, уларнинг шаънига самимий ва эзгу тилакларимизни, чуқур ҳурматимизни изҳор этамиз, жажжи қизалоқ набираларимизни бағримизга босиб, чин юракдан қутлаймиз.

Шу кунларда ҳаммамизнинг тилимизда, дилимизда бўлган бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтишни зарур деб биламан.

Бу дунёда ширин ва аҳил, бахтли ҳаёт учун пойдевор яратиб, инсонни инсон, оилани мустаҳкам оила қиладиган, биз учун севги-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли бўлиб келаётган сиз, гўзал ва бетакрор, қадрдон аёлларимиз, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Чиндан ҳам, ўзининг беқиёс меҳри ва фидойилиги, сабр-қаноати ва чидамлилиги билан хонадонларимизда, бутун жамиятимизда тинчлик-хотиржамлик, тотувлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини сақлаб, ҳаётимизга файзу тароват бағишлайдиган, тунлари бедор бўлиб, болаларимизни баркамол инсонлар, Ватанимизнинг мард ва жасур ҳимоячилари этиб вояга етказадиган ким?

Меҳрибон ва оқила аёлларимиз эмасми?

Умр йўлларимизда қандай оғир синов ва машаққатлар дуч келмасин, уларни енгиб ўтишда руҳимизни кўтариб, кучимизга — куч, ғайратимизга — ғайрат қўшадиган инсонлар ҳам, ҳеч шубҳасиз, дунёдаги энг мўътабар зотлар, қалби дарё аёлларимиздир.

Шу маънода, Алишер Навоий бобомизнинг "Аёллар — фаришталарнинг опа-сингилларидир" деган ҳикматли сўзларида қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз ўз олдимизга қўйган олий мақсадимизга эришиш йўлида, яъни жаҳондаги энг тараққий топган, демократик ва эркин давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда мамлакатимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришда, мухтасар қилиб айтганда, бугун Ўзбекистонимиз қўлга киритаётган улкан марраларда — бу қайси соҳа, қайси касб-ҳунар бўлмасин, уларнинг барчасида аёлларимизнинг муносиб, буюк ҳиссаси борлигини миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Бу ҳақда гапирганда, хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётганини алоҳида қайд этишни зарур деб биламан.

Бугунги кунда юзлаб депутат аёлларимиз Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларда халқ вакиллари бўлиб фаолият кўрсатаётгани, давлат ва жамият бошқарувида, сиёсий ва ижтимоий ҳаётимизда, фуқаролик институтлари ва нодавлат тузилмаларда қанчадан-қанча опа-сингилларимиз эл-юрт манфаати учун жонбозлик билан хизмат қилаётганини ҳурмат билан эътироф этамиз.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия, маданият ва илм-фан соҳаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 73 фоизини, соғлиқни сақлаш тизимида 75 фоизини, ишлаб чиқариш тармоқларида 42 фоизини, қишлоқ хўжалигида 43 фоизини айнан аёллар ташкил этаётгани уларнинг ҳақиқатан ҳам бирор-бир соҳада ҳеч кимдан қолишмаслигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг 120 мингдан зиёдини, фермер хўжаликларининг 4 минг 550 дан ортиғини хотин-қизлар самарали бошқариб, барчага ўрнак ва намуна бўлиб келмоқда.

Мен жойларда бўлиб, мана шундай ўзининг қадр-қимматини, ҳаётнинг пасту баландини яхши биладиган, келажакка катта ишонч билан қараб, сидқидилдан меҳнат қилаётган опа-сингилларимиз билан учрашиб, суҳбат қурганда, очиғини айтишим керак, ўзим учун катта таассурот, маънавий-руҳий қувват оламан.

Жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда дунёда ўхшаши кам бўлган ноёб тузилма — маҳалла фаолларининг, хусусан, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаётган, кўпни кўрган, жонкуяр опа-сингилларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлиги барчамизни албатта қувонтиради. Элу юртимиз ўртасида соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, хонадонларда турли гинаю аразларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида ўзини аямасдан меҳнат қилаётган ана шундай минг-минглаб аёлларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан самимий ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Биз Ватанимиз мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш каби муҳим вазифаларни давлат сиёсати даражасига кўтарганимиз ва бу соҳада амалга ошираётган ишларимиз бугунги кунда жаҳон миқёсида ҳавас билан тан олинмоқда.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина 2015 йилнинг ўзида тадбиркор аёллар учун ажратилган кредитлар 1 триллион 255 миллиард сўмни ёки 2014 йилга нисбатан 130 фоизни ташкил этганини айтиш кифоя, деб ўйлайман.

Ҳеч шубҳасиз, бундай кўмак ва ёрдам хотин-қизларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг жамиятимиз ҳаётидаги муносиб иштирокини таъминлашда муҳим амалий қадам бўлмоқда.

Ўтган йили касб-ҳунар коллежларини битирган 230 мингдан кўпроқ қиз болалар ишга жойлаштирилгани, тадбиркорлик соҳасида ўз ишини бошлаётган 6 мингдан ортиқ ёш қизларга 51 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилгани ҳам опа-сингилларимизнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш борасидаги салмоқли ишларимиз қаторига киради.

Шу билан бирга, кейинги икки йилда 2 минг 80 та хонадонга мўлжалланган 57 та кўп қаватли "Камолот" уйлари барпо этилиб, ёш оилаларга берилгани, минглаб ёшларимиз учун имтиёзли ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилгани ва бундай тадбирлар изчил давом эттирилаётганини қайд этиш ўринлидир.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, 2015 йилда 1 минг 668 нафар спортчимиз, жумладан, 567 нафар қизимиз халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 983 та медалга эришгани, иқтидорли фарзандларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 та совринли ўринни, жумладан, 76 та гран-прини қўлга киритганини юртимизда соғлом ва баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишларимизнинг амалий натижаси сифатида қабул қиламиз.

Айни вақтда хотин-қизларимиз учун янада қулай шароитлар яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакасини амалда намоён этиши учун кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Айниқса, жондан азиз фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган инсонлар қилиб камол топтириш, аввало, қиз боланинг тақдири ҳақида ғамхўрлик қилиш, уни бамисоли жамиятимизнинг гулидек тарбиялаб, вояга етказиш, бўлажак оиланинг бахтли бекаси сифатида кўриш вазифаси, яна ва яна бир бор айтаман, барчамизнинг энг олий мақсадимиз бўлиши даркор.

Нега деганда, бунинг негизида халқимиз, миллатимизнинг ҳаёти, келажаги билан боғлиқ оддий ва шу билан бирга, ўта масъулиятли ҳақиқат мужассам бўлиб, уни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим. Яъни, қизларимиз тимсолида биз авваламбор бўлғуси оналарни, ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом авлодни ўзимизга тасаввур қиламиз, наслимиз давомчиларини кўрамиз. Ҳеч шубҳасиз, қиз бола соғлом, билимли, замонавий касб-ҳунар эгаси бўлса, у қурадиган оила ҳам, бу оиланинг меваси бўлмиш бола ҳам соғлом ва бахтли бўлади. **Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.**

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, мамлакатимизда 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши аввало ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади. Ушбу дастур доирасида жами 7 триллион 483 миллиард 300 миллион сўм ва 194 миллион 400 минг доллар ҳажмидаги ишларни амалга ошириш белгиланганининг ўзи, ўйлайманки, унинг миқёси ва кўлами қандай улкан эканидан далолат беради.

Дастурда белгиланган, кундалик ҳаётимизда энг муҳим эътибор қаратиш зарур бўлган йўналишлар ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, тиббиёт масканлари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш, она ва боланинг соғлиғидан мунтазам хабар олиб, уларга тегишли ёрдам кўрсатадиган патронаж ҳамширалар сонини кўпайтириш каби ўта долзарб масалалар бундан буён ҳам диққатимиз марказида бўлади.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларимизнинг онги ва қалбини бизга мутлақо ёт бўлган зарарли оқим ва таъсирлардан, "оммавий маданият" хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришни бугун тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда.

Ана шундай ўткир масалаларни ечишда мен сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизларнинг ақл-заковатингиз, олижаноб фазилатларингизга таянишимни, сизларни ўзимнинг энг яқин маслаҳатчиларим ва сафдошларим, деб билишимни фурсатдан фойдаланиб бугун яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман.

Азиз ва қадрли опа-сингилларим!

Бамисоли баҳор элчиси бўлиб келаётган, ўзингиздек гўзал ва дилбар мана шу қутлуғ айёмда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Умрингиз узоқ, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, элу юртимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

➢ 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни

## СОҒЛОМ ОНА – БАРКАМОЛ АВЛОД

**"Туркистон" саройида 5 март куни Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди**

Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамининг нишонланишида ажиб рамзий маъно бор. Баҳор аёлларимизга, аёлларимиз баҳорга ўхшайди – бири бириданг ўзал.

Мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонида Бахтиёр она ҳайкали барпо этилгани юртимизда оналарга, аёл зотига юксак эҳтиром кўрсатиш, хотин-қизларни эъзозлаш, соғлом авлодни вояга етказиш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан эканининг рамзий ифодасидир.

2➢

➢ Пленум

## Партия фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида кучайтириш

**ҳар биримиздан изланувчанлик, ташаббускорлик ва фидойилик талаб этади**

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги – IV Пленуми бўлиб ўтди. Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг 2015 йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, 2016 йилги режалар, хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. Пленумда партия Сиёсий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ҳудудий партия кенгашлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, партия экспертлари, фаоллар, ОАВ вакиллари иштирок этишди.

3➢

## Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси

**борасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштиришнинг долзарб аҳамияти**

➢ Конференция

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ташкилотчилигида "Интеллектуал мулк соҳаси ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари" мавзусида конференция ўтказилди.

Анжуманда Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, ижодий уюшмалар, соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

7➢

# СОҒЛОМ ОНА – БАРКАМОЛ АВЛОД

Давоми. Бошланиши 1-бетда

5 март куни Бош майдонимиз хар қачонгидан жозибали, файзли тус олди. Гўзал айём муносабати билан бир гуруҳ опа-сингилларимиз – хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари, иқтисодиёт, ҳуқуқ, илм-фан, таълим, маданият ва санъат соҳаларида самарали меҳнат қилиб келаётган аёллар Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйди.

Байрам иштирокчилари пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Республика ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш марказида бўлди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида «Садоқат» спектаклини томоша қилди.

Шу куни «Туркистон» саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали тадбир бўлди. Унда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар, табаррук онахонлар, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш, жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самаралари ҳақида сўзлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, оила, жамият ва мамлакат ҳаётидаги ўрнини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг 16 фоизи, Сенат аъзоларининг 17 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Бугун 14 аёл Ватанимизнинг энг юксак мукофоти – Ўзбекистон Қаҳрамони унвони билан тақдирланган хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади, деб таъкидлайди Президентимиз. Шу жиҳатдан Ўзбекистон энг маданиятли, юксак маънавиятли мамлакатлардан десак арзийди. Онани эъзозлаш – халқимизда олий қадрият. Ватанни она, онани муқаддас аташимиз шундан.

Ана шундай юксак муносабат туфайли мамлакатимиз хотин-қизлари ўз орзу-интилишларини рўёбга чиқармоқда, барча соҳаларда муваффақиятларга эришмоқда. Аёллар тадбиркорлиги изчил ривожланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес учун яратилган қулай шароитлар, хотин-қизларни иш билан таъминлашда, уларнинг жамиятдаги фаоллигини, оилалар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда. Ёш оилаларга топширилаётган «Камолот» уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Бундай шароит ва имкониятлар туфайли меҳрибон онажонларимиз, азиз опа-сингилларимиз фароғатли ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг саломатлиги мустаҳкамланиб, умри узаймоқда.

Хотин-қизларимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносиб. Негаки улар соғлом авлодни дунёга келтиради, баркамол этиб вояга етказади. Мамлакатимиз эртаси, келажаги кўп жиҳатдан аёллар маънавияти ва саломатлигига боғлиқ.

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йилга Соғлом она ва бола йили деб ном берилишида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассам. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури ижроси доирасида хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ва спортга кенг жалб этиш қўлами янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов, Ангрен шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Раъно Ҳайиткулова хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувофиқ адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ана шу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари – Яккабоғ озиқ-овқат саноати ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Моҳидил Низомова, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Зулхаё Раимқулова ва бошқалар хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини янада ошириш, ёшларнинг истеъдодини юзага чиқаришга кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик изҳор этди.

– Президентимиз табригида хотин-қизларга билдирилган ҳурмат-эътибордан ғоят таъсирландик, кўнглимиз тоғдек кўтарилди, – деди Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги «Нурли ободъ» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси Лола Муродова. – Фермер хўжаликларини самарали бошқариб келаётган хотин-қизлар ҳақида сўз юритилганда мен ҳам шулар қаторида борлигимдан фахрландим. Кўп тармоқли фермер хўжалигимиз барча йўналишларда юқори маҳсулдорликка эришмоқда. Мамлакатимизда аёлларга берилаётган имкониятлар бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга ундамоқда.

Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида улар ўртасида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қизлар учун миллий менталитетимизга хос кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан ҳар йили ўқувчи қизларга спорт либослари совға қилинмоқда. Бунинг самарасида оилавий спорт, аёллар спорти тобора оммалашиб бормоқда. Спортсевар хотин-қизлар учун 39 спорт тури бўйича 35 минг секция ташкил қилинган. Уларда 3,5 миллиондан зиёд хотин-қиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмоқда.

Спортчи қизларимиз халқаро мусобақаларда, мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчи-қизлари халқаро кўрик-танловларда юксак мукофотларни қўлга киритмоқда.

– Мен мамлакатимизнинг бахтиёр қизларидан бириман, – дейди Тошкент давлат стоматология институти 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳида Зоҳидова. – Президентимиз томонидан хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли улкан натижаларга эришяпман. Синхрон сузиш бўйича 17 карра Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар ғолиби бўлдим.

Сарой фойесида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Бадиий академия, «Ҳунарманд» уюшмаси ҳамкорлигида тасвирий санъат ва миллий ҳунармандлик йўналишларида истеъдодини намоён этаётган хотин-қизлар ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди.

Тадбир санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

**➢ Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамиятимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ислоҳ қилишга доир бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

# Позицион таклифларимиз

## қонун лойиҳаларида ўз ифодасини топмоқда

Маълумки, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси якинда қуйи палатадаги мухолиф фракциялар ҳамда "Демократик кучлар блоки" ўртасида биринчи ўқишдан кейин қизғин муноза-ра қилинган эди. Ўтган вақт ичида масъул бўлган ишчи гуруҳи томонидан баҳс-мунозаралар давомида берилган таклифларнинг асослилари мазкур қонун лойиҳасига киритилди ва фракцияларнинг эътиборига иккинчи ўқишда ҳавола этилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси шакл ва мазмун жиҳатдан анча такомиллаштирилди. Ундаги моддалар сони 29 тадан 36 тага кўпайган бўлса, ҳаволаки нормалар сони қисқартирилди.

**Қодир ЖЎРАЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида анча маромига етказилган. Унда фракциямиз томонидан билдирилган таклифларнинг аксарияти ўз ифодасини топгани бизни қувонтиради. Қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган ҳолда, ҳали мазкур ҳужжатда айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш зарурати бор, деб ўйлаймиз.

Хусусан, қонун лойиҳасининг 34-моддасида ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, шунингдек, ходимларнинг ўзлари меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил этиб белгилаган шахслар томонидан амалга оширилиши мустаҳкамланмоқда.

Бизнингча, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш бу билан чекланмаслиги лозим. Яъни, бу борада бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг ҳам ролини белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Фракция аъзолари эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилган "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам қизғин муноза-раларга бой тарзда ўтди.

Мазкур лойиҳа қонунчиликдаги камчилик ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, қонунийликни янада таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фаолият юритишларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, ННТларни ташқи молиялаштириш ва ходимларини чет давлатларга сафарга чиқиш масалаларини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Лойиҳани ишлаб чиқишда ННТлар соҳасидаги қонун ҳужжатлари, ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши амалиёти ҳамда ушбу йўналишдаги халқаро тажриба ўрганиб чиқилган.

**Акмал БУРХАНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Банк сири тўғрисида"ги ва "Ҳомийлик тўғрисида"ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Жумладан, тадбирлар ўтказишда ННТлар фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралиги тамойилларига риоя қилинишини, ўтказилаётган тадбирлар мамлакат қонунчилигига, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларига зид бўлмаслиги, бошқача қилиб айтганда, уларда доимо йўналтирилганлик ва аниқлик тамойилларини таъминлаш мақсадида "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги қонуннинг 8-моддасида ННТларнинг ўтказаётган тадбирларини рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш мажбуриятини мустаҳкамлаш белгиланмоқда.

Шунингдек, ННТлар фаолиятида ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида улар томонидан пул маблағларининг сарфланишини мониторинг қилиш ва ўз вақтида тезкор ҳаракат қилиш учун Ўзбекистон Республикаси "Банк сири тўғрисида"ги қонунига қўшимча киритилмоқда. Бунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ННТлар тўғрисидаги банк сирини ташкил этувчи маълумотларни, агар бу маълумотлар уларнинг фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини тизимли мониторинг қилиш соҳасида унга юклатилган вазифаларни амалга ошириши учун зарур бўлса, олишга ҳақлидир.

Қонун лойиҳаси билан таклиф этилаётган нормаларнинг ҳаётга жорий қилиниши ННТларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва фуқароларнинг салоҳиятини оширишга қўшимча шароитлар яратади ва "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини босқичма-босқич ва самарали амалга ошириш учун асос бўлади. Бу эса Ўзбекистон "Адолат" СДП дастурий мақсадларига тўла мос келади. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси фракциядошларимиз томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси 2015 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ҳусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

**Умид СУЛАЙМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

— Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддасига маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилишини назарда тутувчи ўзгартиш киритилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасига божхона органларининг экспорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулот Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ бўлиб, мусодара чораси қўлланилиши мумкин бўлган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ишнинг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳуқуқини чиқариб ташлашни назарда тутувчи ўзгартириш таклиф қилинмоқда. Чунки мазкур ишлар маъмурий ишлар бўйича судьяларга тааллуқлидир.

Муҳокамалар жараёнида фракциядошларимиз қатъият билан таъкидлаганларидек, қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат ғоялари эса депутатлик корпусимиз қонунчилик фаолиятининг асосий мезони саналади. Қонун лойиҳаси билан таклиф этилаётган нормалар суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга доир дастурий мақсад, вазифаларимизга ҳам тўла мос келади. Шулардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси фракциямиз аъзолари томонидан биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

**Шунингдек, йиғилишда яна бошқа бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракция аъзоларининг партия позициясидан келиб чиқадиган таклиф-мулоҳазалари тингланди ва фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.**

**Илёс САХАТОВ,**
**"Adolat" мухбири**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қ а р о р и**

# ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ҲАМДА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23-моддаси, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8, 10 ва 11-моддаларига мувофиқ, шунингдек, фуқаролар йиғинлари раислари ва улар маслаҳатчиларининг ваколат муддати 2016 йил май-июнда тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг навбатдаги сайловини ўтказиш муддати 2016 йилнинг май-июнь ойлари этиб белгилансин.

2. Бўлажак сайловда 9764 нафар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг 99 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланиши режалаштирилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2016 йил май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга доир тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 3-иловага мувофиқ;

фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) маслаҳатчиларининг сайлови бўйича сайлов бюллетени намунаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига 2016 йилнинг 20 мартигача бўлган муддатда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларни тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига кўмаклашиш, зарурат бўлганда уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар комиссиялари томонидан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисидаги ахборотни умумлаштирсин ҳамда 2016 йил 20 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгашига сайлов якунлари тўғрисида ахборот берсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**

**Н.ЙЎЛДОШЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2016 йил 5 март*

# Партия фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида кучайтириш

## ҳар биримиздан изланувчанлик, ташаббускорлик ва фидойилик талаб этади

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Пленумда Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров маъруза қилди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг юртимизда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди партия раҳбари. — Айниқса, она ва бола соғлиғини асраб-авайлаш устувор вазифага айланди. 2016 йил юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилингани замирида ҳам ана шундай муҳим ҳаётий кадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

Энг муҳими, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганини бугун бутун дунё эътироф этмоқда. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар кўплаб хорижий давлатлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Жорий йилнинг 9 февраль куни Президентимиз томонидан тасдиқланган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури бу борада олдимизга қўйилган юксак мақсадларни амалга оширишда асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади. Мазкур Дастур асосида Ўзбекистон "Адолат" СДП ҳам ўзининг 2016 йилга мўлжалланган иш режаларини қайта кўриб чиқди ва унинг ижросини таъминлашда партия ташкилотлари ва депутатлик корпусининг аниқ вазифаларини белгилаб олди.

Бугун партиянинг барча даражадаги тузилмалари ва депутатлик корпусининг 2015 йилда амалга оширган ишлари, эришилган ютуқлар баробарида йўл қўйилган камчиликларга танқидий-таҳлилий нуқтаи-назардан баҳо беришимиз, партиямиз фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида кучайтиришимиз, сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунинг учун, албатта, партиянинг ҳар бир депутати, ҳар бир фаолидан изланувчанлик, ташаббускорлик, қатъиятлилик ва фидойилик талаб этилади.

2015 йилда партия фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш, ҳудудий ва маҳаллий ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, партия аъзолари сонини кўпайтириш, кадрлар малакаси ва салоҳиятини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг 1 январь ҳолатига партия аъзолари сони 115 500 нафардан ошди, бошланғич партия ташкилотлари сони эса 3 374 тага етди. Бу борада ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган бўлса-да, ушбу кўрсаткичларни қониқарли, деб бўлмайди. Зеро, мамлакатимизда "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида сўнгги йилларда миллий қонунчилигимизга киритилган янгиланишларга мувофиқ сиёсий партияларнинг жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни ва роли ошиб, ваколатлари янада кенгайди. Шундай экан, бугун олдимизга қўяётган мақсадларимиз ҳам, олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз ва пировард натижалар ҳам бизга яратилган шароитлар даражасида бўлмоғи лозим.

Партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар дастурида кўзда тутилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, партия фракцияси аъзолари ҳамда Марказий аппарати масъул ходимлари билан биргаликда 12 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди. Шулардан 2015 йил мобайнида "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Ўзбекистон — инсон қадри улуғланган юрт", "Конституция — адолат мезони" лойиҳалари республиканинг барча ҳудудларида амалиётга жорий этилган бўлса, "Мактабда ижтимоий тенглик масалалари" лойиҳаси доирасидаги бир қатор мақсадли чора-тадбирлар Самарқанд ва Андижон вилоятларида амалга оширилди. Бундан ташқари, партия мафкураси, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, яна 11 та ижтимоий лойиҳа тайёрланиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда.

Таъкидланганидек, 2015 йилда партия томонидан турли йўналишларда 5 мингдан ортиқ тадбир ўтказилиб, уларда 335 минг нафар яқин фуқаролар иштирок этди. Бу борада кўрсаткичлар ўсгани кузатилди. Аммо шунга қарамай, ҳудудий партия ташкилотлари томонидан ўтказилаётган барча тадбирлар ҳам юқори савияда эмаслиги танқид остига олинди. Тадбирларда замонавий PR технологиялардан, интерфаол услублардан фойдаланиш бугунги кун талаби эканлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, ўтган йилда партия кадрларининг касбий малакаси ва сиёсий салоҳиятини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Хотин-қизлар манфаатларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар доирасида анъанавий "Партиянинг энг фаол адолатчи аёли" республика кўрик-танлови юқори савияда ташкил этилган бўлса, "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Фикр — ғоя — ҳаракат", "Биргаликда юксак ҳуқуқий маданият сари", "Мактабда ижтимоий тенглик масалалари" лойиҳалари доирасида ташкил этилган 700 дан ортиқ тадбирларга 60 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди. Бироқ бу борада барча ҳудудий партия ташкилотларида ҳам иш қониқарли даражада, деб бўлмайди.

Пленумда Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик бирлашмаларининг партиянинг Сайловолди дастури ижроси юзасидан амалга оширган ишлари ҳам танқидий таҳлил қилинди. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси 2015 йилда ўз фаолиятини давлатимиз раҳбари томонидан Қонунчилик палатасининг ташкилий йиғилиши ҳамда парламент палаталарининг қўшма йиғилишида қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолияти йўналишида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида амалга оширди. Ушбу даврда фракциянинг қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган 40 дан ортиқ йиғилиши ўтказилиб, уларда 50 дан ортиқ қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Қонунчилик фаолиятида фракция аъзолари 26 та қонун лойиҳасига масъул ва 7 та қонун лойиҳасига ташаббускор бўлдилар.

2015 йилда партия фракцияси ташаббуси билан Президентимизнинг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда Самарқанд вилоятида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги қонун талабларининг бажарилиши бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ахбороти эшитилди.

Ўтган йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг регламентига асосан фракция аъзоларининг ўз сайлов округларида сайловчилар билан ўтказган юзма-юз учрашувлари давомида фуқаролардан депутатларга ёзма ва оғзаки шаклдаги жами 1831 та мурожаат келиб тушди. Ушбу мурожаатларнинг 811 таси жойида ҳал этилган бўлса, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига 272 та, республика ташкилотларига 466 та депутатлик сўровлари юбориш орқали уларнинг аксарияти ижобий ҳал қилинишига эришилди.

2015 йил мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари сессияларида кўриб чиқиш учун Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳлари томонидан жами 15 та масала киритилиб, маҳаллий Кенгаш сессияларида 21 маротаба мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди. Маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлари томонидан турли масалалар юзасидан мутасаддилар корхона ва ташкилотлар, муассасаларга 726 та депутатлик сўровлари юборилди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Ушбу рақам ва кўрсаткичлар ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларини тўла рўёбга чиқариш учун ҳали етарли эмаслиги, бунинг учун депутатлар ўз ваколатидан самарали фойдаланишлари, ташаббускорликни янада оширишлари талаб этилиши таъкидланди.

Шунингдек, Пленумда Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Соғлом она ва бола йилида амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалари ҳамда партия фаолиятига доир бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари Алишер Шодмонов, Умид Сулаймонов, Хоразм вилоят партия кенгаши раиси Икром Абдуллаев, Навоий вилоят партия кенгаши раиси Ҳамид Жумаев, Наманган вилоят партия кенгаши раиси Олимжон Максудов ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан партия Сиёсий Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, анжуман доирасида йилнинг энг фаол ҳудудий партия ташкилотлари ва матбуот котиблари рағбатлантирилди.

# СЎЗ — ПЛЕНУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Шухрат ЯКУБОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

*— Ўтган йилда "Адолат" СДП фракцияси ўзини парламентдаги кўпчиликка нисбатан мухолифат деб эълон қилгани фаолиятимиздаги муҳим воқелик бўлди. Шу асосида биз давлат дастурлари ва қонун лойиҳалари муҳокамаларида ўз қатъий позициямизни илгари суришга эришдик.*

*Бир гуруҳ депутатлар томонидан Қонунчилик палатаси Кенгаши кўриб чиқиши учун киритилган "Ветеринария тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бир қатор асосли сабабларга кўра "Адолат" СДП фракцияси томонидан рад этилди. Шуни таъкидлаш зарурки, ушбу қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилингунига қадар фракция аъзолари томонидан кенг кўламда таҳлилий ишлар амалга оширилди, хусусан, тақдим этилган материаллар ҳар томонлама ва танқидий жиҳатдан ўрганилди, фракция йиғилишида мазкур қонун лойиҳасининг ташаббускорлари иштирокида ҳар бир таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар батафсил муҳокама қилинди.*

*Ўтган йилда амалиётда биринчи маротаба Қонунчилик палатаси мажлисида "Адолат" СДП фракциясининг ташаббуси билан "Ўзбекистонда сувни тежовчи технологиялардан фойдаланиш ҳолати ва унинг самарадорлигини ошириш истиқболлари, қишлоқ хўжалиги корхоналарида замонавий техника ва технологияларни жорий этиш тўғрисида"ги масала юзасидан парламент сўровига қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг жавоблари эшитилди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фракция ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишга доир ваколатлардан самарали фойдаланди. Ўтказилган тадбир якунларига кўра Қонунчилик палатасининг қарори қабул қилиниб, унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги номига бир қатор тавсиялар, чунончи, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сувни тежовчи замонавий техника ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялар берилди.*

*Ўтган давр мобайнида қонун ижодкорлиги ишида фракцияларо рақобат жиддий тарзда кучайди. Фракцияларо мунозараларни ўтказишни тизимли асосда жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги (янги таҳрири) қонун лойиҳаларининг фракцияларо муҳокамалари кескин тарзда ўтди. Бу баҳсларда фракциямиз аъзолари қандай куч ва имкониятга эга эканини тўлиқ намоён этдилар.*

*Жорий йилда ҳам амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижро этилишини ўрганиш, уларнинг ижро механизмларини мустаҳкамлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда хорижий тажриба ва амалиётни чуқур ўрганиш борасидаги фракция фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлар ўтказишни мақсад қилганмиз.*

*Шу билан бирга, назоратаҳлил йўналишида "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ва кадрлар салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг иш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни амалга оширишнинг борши ҳақида", Ўзбекистонда коммунал, йўл транспорти, капитал-қурилиш соҳаси ва қурилиш саноатига доир амалдаги қонунчиликнинг ижроси ҳамда "Ўзбекистонда энергия тежайдиган технологияларни ривожлантириш ва машиний саноат чиқиндиларни қайта ишлаш муаммолари" мавзусида мансабдор шахсларнинг ахборотини эшитишни режалаштирганмиз.*

**Людмила КОШЕЛАПОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси:**

*— Бугунги Пленумда партиямизнинг ўтган йилги фаолиятини сарҳисоб қилиб, жорий йилги режаларимиз ҳақида яна бир бор фикрлашиб олдик.*

*Хусусан, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини изчил таъминлаш, бу борада "Адолат" СДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари олдида турган устувор вазифаларга асосий эътибор қаратдик.*

*Демак, жорий йилда Давлат дастуридан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига уч ёшгача болаларни бўлган барча аёлларга нисбатан уларни ахлоқ тузатиш ишлари қўлланилмайдиган шахслар тоифасига киритиш ҳисобига жиноят қонунчилигини янада эркинлаштиришга йўналтирилган ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига таркибида модификациялаштирилган организмлар бор бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини четдан олиб келиш ва истеъмол қилишни чеклашга, шунингдек, болалар овқатида генетик модификациялаштирилган организмларни қўллашга тақиқ жорий этишга йўналтирилган қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаларини тайёрлаш кўзда тутилмоқда. "Адолат" СДП фракцияси аъзолари ана шу жараёнда партиямизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, алоҳида ташаббускорлик кўрсатишлари лозим бўлади.*

*Шунингдек, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини кучайтириш, перинатал ва скрининг марказлари, патронаж хизматларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш даражаси ва сифатини ошириш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратишга доир дастурий вазифаларимизни амалга ошириш барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпусимиз фаолиятининг энг асосий йўналишлари бўлади.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш барча даражадаги депутатлик корпусимиз диққат марказидаги масаладир.*

*Хусусан, Юртбошимизнинг ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларни касбга йўналтириш бўйича билдирган фикрларига асосан, кадрларга бўлган бугунги ва истиқболдаги заруратни ҳисобга олган ҳолда, ўрта махсус касб-ҳунар мутахассислик йўналишларини босқичма-босқич қайта кўриб чиқиш депутатлик гуруҳларимиз учун долзарб бўлиб қолади.*

*Бандлик дастурининг жойларда самарали ижро этилиши устидан депутатлик назорати ўрнатиш, иш берувчиларнинг масъулиятини ошириш бўйича белгилаган режаларимизни ҳаётга татбиқ этиш, Давлат бюджетидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблағлардан самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатишда, масъул шахсларнинг ҳисоботларини маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритишда янада фаоллик, қатъиятлилик ҳамда ташаббускорлик талаб этилади.*

**Маҳмуд БОБОЁРОВ,**
**халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи раҳбари:**

*— Бугунги Пленумда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг жойларда ечимини кутаётган долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги фаоллигини янада ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.*

*Ўтган йилда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси халқ депутатлари Самарқанд вилояти маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан 21 марта мансабдор шахслар ҳисоботи тингланди, доимий комиссиялар йиғилишларига 40 та, маҳаллий Кенгаш сессияларига битта масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Депутатларга фуқаролардан келиб тушган 324 та мурожаатдан 312 таси маҳаллий ҳокимиятлар тизимидаги тегишли ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўрови юбориш орқали ижобий ҳал қилинишига эришилди.*

*Шунингдек, партиянинг дастурий мақсад-вазифалари асосида ишлаб чиқилган "Ватан келажаги ёшлар қўлида", "Мактабда ижтимоий тенглик масалалари", "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" каби ижтимоий лойиҳаларни амалиётга кенг татбиқ этиш, аҳолига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини чуқур тушунтириш ишларида вилоят ташкилотимиз ҳам фаол иштирок этди.*

*Айниқса, "Жамоатчилик назорати — қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида фуқароларда маҳалла ички йўлларидан фойдаланиш маданиятини ошириш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан йўлларга зарар етказиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, масъул ташкилотларга депутатлик сўровлари киритиш ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини эшитиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратилди.*

*Албатта, бу натижалар биз учун қониқарли эмас. Биз бошлаган ишларимизни давом эттириш баробарида, Пленумда зиммамизга юкланган барча вазифалар, жумладан "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол қатнашиб, депутатлик гуруҳларимиз иштирокини янада кенгайтиришимиз зарур.*

**Парида ПАРМАНОВА,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси:**

*— Бугунги кун барчамизнинг олдимизга нафақат амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, балки воқеликка янгича қараш, ҳаётий таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш талабини қўймоқда.*

*Ана шу мақсадда Тошкент шаҳар партия кенгашининг "Аёллар қаноти" ташаббуси билан 2014 йилдан буён болаларда учраётган ясситовонлик ва таянч-ҳаракатланиш тизими касалликларининг олдини олиш масалалари бўйича давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва ҳамкор ташкилотлар билан конференциялар ўтказиб келинмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида партия сафидаги етук олимлар, ортопедия соҳасида фаолият юритаётган мутахассислар ва бошқа бир қатор масъул ташкилотлар вакиллари жалб этилган ҳолда махсус ишчи гуруҳи ташкил этилиб, ёш болаларда учраётган ясситовонлик ва сколиоз касалликларига эрта ташхис қўйиш, даволаш ва унинг олдини олиш масаласи чуқур ўрганилди. Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда хулоса ва таклифлар тегишли вазирлик ва ташкилотларга тақдим этилган эди.*

*Эндиликда ушбу ташаббусимиз "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури бандларидан ўрин олиб, оёқларида маймоқлик ва бўйни қийшиқлик туғма ортопедик касалланган болаларни республика клиникалари ва марказларида соғломлаштириш ишларига кўмаклашиш билан боғлиқ аниқ мақсадли вазифалар белгилангани зиммамизга янада катта масъулият юклайди.*

*Шунингдек, бизни қувонтирадиган жиҳатлардан яна бири — Давлат дастурида Республика таянч-ҳаракатланиш тизими касалликлари болалар реабилитация марказининг 100 ўринли даволаш-ташхис корпусини қуриш ва жиҳозлаш белгиланганлигидир.*

*Албатта, жорий йилда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросида фаол иштирок этиш партиямизнинг барча ҳудудий ташкилотлари ва депутатларимиз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.*

*Шубҳасиз, соғлом боланинг дунёга келиши биринчи навбатда онанинг соғлигига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бу йил ижтимоий шериклларимиз билан ҳамкорликда амалга оширадиган лойиҳаларимизда аёлларни турли касалликлардан ҳимоя қилиш, оиладаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, изланувчан, ташаббускор ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳам эътибор қаратмоқчимиз.*

**Илёс САХАТОВ,**
**"Adolat" мухбири**

# Электорат манфаатларини рўёбга чиқаришда

## *қуйи бўғин ҳал қилувчи куч*

**➢ БПТ — партия таянчи**

**Бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий майдонида ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон "Адолат" СДП фуқароларнинг, жумладан, партия электорати манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган ҳаётий таклифларни илгари суриш ва уларни амалга ошириш йўлида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Бу муҳим жараёнларда сиёсий кучнинг бошланғич ташкилотлари фаолияти янада таъсирчан аҳамиятга эга саналади.**

Чунки БПТ электорат билан бевосита ишловчи, уларни ўйлантираётган масалалардан яқиндан хабардор бўғиндир. Шу боис қуйи ташкилот фаолиятини кучайтириш орқали сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва ғоясини амалга ошириш йўлида яхши натижаларга эришиши мумкин.

Бугунги кунда Оқолтин туманида Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг 10 та қуйи ташкилоти, 500 нафардан зиёд аъзоси бор. Бошланғич ташкилотларнинг туман партия кенгаши ҳамда маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлар билан яқин ҳамкорлиги ишлар самарадорлигини оширмоқда. Шунингдек, туман партия ташкилоти БПТлар ишини янада такомиллаштириш, партия аъзоларининг ҳуқуқий, сиёсий билимларини мустаҳкамлаш, профессионал маҳоратини кучайтиришга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. Бунинг натижасида ўз амалий ишлари билан аҳоли орасида эътибор ва ишончга сазовор бўлаётган оқолтинлик партиядошларимизнинг сафи кенгаймоқда. Бугунги кун тезкорлиги билан ҳамқадам, сиёсий фаол, етук аъзолар Оқолтин туманидаги барча БПТлар сафида уюшган десак, муболаға бўлмайди.

Оқолтин туман тиббиёт бирлашмаси қошида тузилган бошланғич партия ташкилоти ана шундай фаол БПТлардан саналади.

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тиббиёт бирлашмаси ходимлари туман аҳолисининг соғлиғини сақлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, профилактика ишлари намунали олиб борилишини таъминлашдек масъулиятли вазифага виждонан ёндашиб, бор куч ва билимларини сафарбар этмоқдалар. Хусусан, ўтган йили туманда истиқомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийлари, 1500 нафарга яқин кексалар вилоят ва туман тиббиёт мутахассислари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтқазилди.

Тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохоналарда 312 нафар 60 ёшдан ошган кексалар саломатлиги тикланди. Имтиёзли равишда бепул ордерлар билан вилоят кардиология диспансери, кўз касалликлари шифохонаси, реаблитация бўлими, вилоят фахрийлар шифохонаси, Гулистон шаҳар шифохонаси, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Янгиер физотерапия шифохонасида жами 200 нафар кексалар ва ногиронлар малакали шифокорлар томонидан соғломлаштирилди.

Тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари шарт-шароитларини янада яхшилаш, зарур таъмирлаш ишларини ташкил этиш, уларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашга доимий эътибор қаратилган.

Ана шундай фидойи партиядошларимиз меҳнат қилаётган мазкур тиббиёт бирлашмаси қошида фаолият юритаётган БПТ аъзолари касб маҳоратлари, билимдонлиги ҳамда партиявий ишлардаги фаоллиги билан ҳудудда партиямиз мавқеи ортишига ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг ташкилотчилигида аҳолининг турли қатламлари ўртасида партиямиз лойиҳалари ижроси доирасидаги қатор тадбирлар, "Ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси", "Оиланинг жамият тараққиётида тутган ўрни", "Нуронийлар эл ардоғида", "Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш", "Глобаллашув даврининг маънавий муаммоларига бефарқ бўлманг", "Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари – олий қадрият", "Фуқаролар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш оиладан бошланади" каби ўнлаб мавзуларда давра суҳбати ва учрашувлар тарғиботнинг замонавий воситалари ёрдамида фойдали ва таъсирчан тарзда ўтказиб келинмоқда.

— Бугун сиёсий партия ўз олдига қўйган муҳим вазифалар ижроси кўп жиҳатдан бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги ҳамда ташаббускорлигига боғлиқ, — дейди ушбу БПТ раиси, тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими фельдшери Ўктам Хўжақулов. — Биз жойларда партиямиз ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда аҳолини ўйлантираётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан халқ депутатлари Оқолтин туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқдамиз. Бу, ўз навбатида, одамларда ҳам ташаббускорлик, жойларда мавжуд муаммоларга бефарқ бўлмаслик, дахлдорлик ҳисси билан қарашга интилишни кучайтираяпти. Аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш, фуқароларнинг инновация ғояларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда 300 нафардан зиёд маслакдошимизни бирлаштирган бошланғич партия ташкилотимиз ташаббуси билан муайян ишлар қилинмоқда. Ўтган йилнинг ўзида туман тиббиёт бирлашмаси томонидан 80 га яқин фуқаро иш билан таъминланди.

Ҳозирда туманимизда "Адолат" СДП хайрихоҳлари ва партия сафига кириш истагида бўлаётганлар сони ҳам ортиб бормоқда.

**Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бошланғич партия ташкилотлари электорат манфаатларини ҳимоя қилувчи ва уни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Буни БПТлар фаолиятини жонлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларига масъулият билан ёндашиб келаётган "Адолат" СДП Оқолтин туман кенгаши фаоллари чуқур англайдилар.**

**Ёқубжон БЕРДИЁРОВ,**
**Оқолтин туман кенгаши раиси**

# Таҳлилий ёндашув

## *партиявий ишлар самарасини оширишда муҳимдир*

**➢ Вилоят кенгашларида**

**Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги мажлисида вилоят партия ташкилоти фаолиятининг 2015 йил якунлари ҳамда 2016 йилдаги режалар муҳокама қилинди.**

Вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нурали Суярқулов ўтган йил давомида эришилган ютуқлар, тажрибалар ва йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида батафсил сўз юритди. Дастурий мақсад ва вазифаларимиз ижроси, партиянинг турли лойиҳалари доирасида шаҳар, туман партия ташкилотлари томонидан жами тўрт юздан ортиқ тадбирлар ташкил қилинганлиги, уларда йигирма мингта яқин иштирокчилар жалб этилганини таъкидлади. Албатта, бундай тадбирлар, амалий ишларнинг самараси партия ғояларига қизиқиш ва ишончнинг ортаётганлиги, маслакдошлар сафи кенгайганлигида ҳам намоён бўлмоқда.

Мажлисда 2015 йилда маҳаллий вакиллик органларидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилган ишлар таҳлил этилди.

— Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ҳамда туман Кенгашларига партиямиздан сайланган жами 84 нафар депутат ўтган йил мобайнида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари юзасидан муайян ишларни амалга оширдилар, улар маҳаллий Кенгашларнинг доимий комиссиялари таркибида самарали фаолият кўрсаттанлигини қайд этиш мумкин, — деди вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари С.Хўжамбердиев. — Жойларда сайловчилар билан бўлган учрашувларда, депутатлик қабулхоналарида фуқаролардан тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар асосида мансабдор шахслар ва давлат ташкилотлари номига тўрт юздан ортиқ депутатлик сўровлари киритилиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди. Айниқса, бу борада Қувасой, Марғилон шаҳарлари, Бешариқ, Бувайда, Бағдод туманларидаги маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган партия депутатлик гуруҳлари фаоллик ва ташаббускорлик руҳида ишлаб, ибрат кўрсатдилар.

Шунингдек, йил давомида вилоят партия ташкилоти томонидан депутатлар иштирокида "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш", "Парламент ва депутатлик назоратини амалга оширишнинг қонунчилик механизмлари", "Жамоатчилик назорати" каби мавзуларда йигирмадан ортиқ сиёсий ўқувлар ўтказилиб, уларда 1300 нафарга яқин сафдошларимизнинг сиёсий, ҳуқуқий билимлари янада мустаҳкамланди.

Иштирокчилар "Аёллар қаноти" ва "Ёш адолатчилар" қаноти фаолларининг партия лойиҳалари доирасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бандликни таъминлаш, касаначиликни ривожлантириш, фуқароларнинг тиббий маданияти, ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган амалий ишларини эътироф этган ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, фуқаролик позициясини шакллантириш, партиямизнинг халқчил ғояларини кенгроқ тарғиб қилишда эътиборталаб жиҳатлар хусусида фикр билдирдилар.

Фаолиятга танқидий ёндашув тарзида ўтган йиғилишда Данғара, Ёзёвон, Сўх, Фарғона, Риштон, Фурқат туман партия ташкилотлари фаолиятида сусткашликларга йўл қўйилганлиги иштирокчилар томонидан танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилди.

Тадбирда вилоят партия ташкилоти раисининг ўринбосари Қ.Маткаримов, Ҳва туман партия кенгаши раиси Ш.Мамажонова ва бошқалар ўтган йил давомида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари ҳақида мулоҳаза юритиб, бу масалада оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан етарлича фойдаланилмагани, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашда фаолроқ бўлиш лозимлигини қайд этишди. Бу масалаларда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида фикрлашиб олинди.

Йиғилишда вилоят партия ташкилотининг жорий йилдаги фаолиятига доир вазифалар белгиланиб, зарур тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Қашқадарё вилоят партия кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида партия фаоллари, туман, шаҳар партия кенгаши раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.**

Вилоят партия ташкилоти фаолиятининг 2015 йил якунлари ҳамда жорий йил учун белгиланган муҳим вазифалар муҳокама этилган мазкур йиғилишда таъкидлангандек, ўтган йилда вилоят партия кенгаши, қуйи ҳамда бошланғич ташкилотлар амалиётига ишлашнинг янгича шакл ва услублари жорий этилиб, барча туман партия ташкилотларининг моддий-техник базаси такомиллаштирилганлиги партиявий ишларни самарали ташкил этишда ижобий аҳамият касб этди. Бундай амалий саъй-ҳаракатлар сиёсий кучнинг шу ҳудудларда нуфузи ортиб, аҳоли ўртасида партиямизга ишонч ва эътибор кучайишига ҳам хизмат қилаяпти.

Ижроия қўмита йиғилишида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини изчил ривожлантириш, кадрлар салоҳиятини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда ўтказилаётган ўқув-семинарларини сон ва сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, барча поғонадаги партия ташкилотларида кадрлар захирасини шакллантириш, уларнинг интеллектуал-маънавий ривожланиши, профессионал маҳоратга эга бўлиши учун зарур шароит яратиш хусусида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Таъкидланганидек, ўтган йил давомида аҳоли ўртасида тарғибот ишлари қўлами ва таъсирчанлигини оширишда Муборак, Ғузор, Чиркоқи туманлари ва Қарши шаҳар кенгашлари томонидан диққатга молик ишлар қилинди.

— Ижроия қўмита йиғилишида қайд этилганидек, электорат билан яқиндан ишлайдиган бошланғич партия ташкилотларининг ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ишини талаб даражасида кучайтириш, уларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини такомиллаштириш муҳим вазифаларимиздан бири саналади, — дейди Чиркоқи туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Эркин Жуманов. — Жойлардаги партия ташкилотларининг кадрлар захирасини қайта кўриб чиқиш ҳам долзарб масаладир. Чунки бугунги давр талабини чуқур англаб етадиган ташаббускор, изланувчан кадрларни партия кенгашлари ишига жалб этиш кутилган натижаларни беради, албатта.

Ўз-ўзини танқид руҳида ўтган йиғилишда Қамаши ва Касби туман партия кенгашлари раислари Нурмуҳаммад Мирзаев, Бобур Юсупов, вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Ҳусниддин Бердимуродов, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Мақсуда Мустафоева ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, партиявий фаолиятни янада яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури қабул қилинганлиги муносабати билан вилоят партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳларининг жорий йилдаги фаолиятига доир аниқ мақсадларга йўналтирилган иш режаси муҳокамалар чоғи таклифлар, фикр-мулоҳазалар асосида янада такомиллаштирилди.

Ижроия қўмитаси йиғилишида кўриб чиқилган масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.

*Шунингдек, **Сирдарё, Наманган, Жиззах** вилоят партия кенгашлари Ижроия қўмиталарининг кенгайтирилган йиғилишларида ҳам мазкур ташкилотларнинг йиллик фаолияти сарҳисоб этилди, мавжуд камчилик ва нуқсонларнинг сабаблари атрофлича таҳлил қилинди ҳамда зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий йилда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.*

**Комила ИСРОИЛОВА,**
**Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби,**
**Комил САХАТОВ,**
**"Adolat" мухбири**

СДП хабарлари

# Она ва бола — *келажак асоси*

**Мамлакатимизда жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши муносабати билан Ўзбекистон "Адолат" СДП Тахтакўпир туман кенгаши фаоллари ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган қатор чора-тадбирларни аниқ режалар асосида амалга ошириб келмоқдалар.**

Ана шу мақсадда туман тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникада партиямизнинг "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" лойиҳаси доирасида "Она ва бола саломатлигини таъминлашда тиббий маданиятни юксалтириш масалалари" мавзусида йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда туман партия кенгаши раиси ўринбосари Гулистон Зарликова "Аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш йўлидаги ҳамкорлик", халқ депутатлари Тахтакўпир туман Кенгаши депутати Минера Туримбетова "Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари", шифокор, партия фаоли Замира Жоллибекова "Партия Сайловолди дастурида тиббиёт соҳаси ривожига қаратилган мақсадлар" мавзуларида маъруза қилишди. Таъкидланганидек, Ўзбекистон «Адолат» СДП кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида аҳолининг кенг қатламларига кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Партия бу борада жойларда скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғуруқ мажмуалари, гинекология ва патронаж хизматлари фаолиятини доимий такомиллаштириб боришга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тадбир иштирокчилари йиғилиш давомида аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш масаласида, уйда бола тарбияси билан банд бўлган аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида болаларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳолатини доимий мониторинг қилиш масалалари давлат ва ННТ ташкилотлари олдида турган долзарб вазифалар эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

**Шарипа ТОРЕШОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби**

# Йўлларимиз *равон бўлсин*

**➢ Депутат сайловчилар ҳузурида**

**Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг "Жамоатчилик назорати – қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонуни ижроси юзасидан партия ташкилотлари ва уларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ички йўллардан фойдаланиш масаласида жамоатчилик назоратини амалга оширишмоқда.**



Халқ депутатлари Пешқў туман Кенгашига 21-"Туркистон" сайлов округидан сайланган депутат Фарҳод Болтаевнинг округ ҳудудида жойлашган "Закаш", "Қоровул", "Тегирмончи" ва "Хайриоб" қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан ўтказган учрашувида шу мавзуда сўз юритилди.

— Сўнгги йилларда юртимизда аҳоли учун қулай яшаш ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, йўл ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Янги, замонавий йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда, мавжудлари эса таъмирланмоқда, — дейди депутат Ф.Болтаев. — Айниқса, туманимизда кейинги йилларда бир неча ўнлаб километр узунликда янги йўллар қурилди. Тўртта кўприк янгидан барпо этилди. Ўнлаб кўприклар қайтадан таъмирланди. Замонавий қишлоқларнинг қиёфасига мос обод йўллар узоғимизни яқин қилмоқда. Бироқ, шунга қарамай баъзи жойларда айрим ечимини кутиб турган масалалар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. Хусусан, "Туркистон" сайлов округимиз ҳудудига кирувчи "Закаш", "Қоровул", "Тегирмончи" ва "Хайриоб" қишлоқ фуқаролар йиғинлари кўчаларидаги ички йўллар ҳолатини ҳудуддаги маҳаллий аҳоли вакиллари билан биргаликда ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, "Хайриоб" ҚФЙда жойлашган 23-умумтаълим мактабига борувчи йўлнинг 1000 метрли қисми асфальтланмаган. Шунингдек, "Туркистон" МФЙ ҳудуди бўйлаб ўтган 4 километр узунликдаги ички йўлларнинг четки қисмида пиёдалар йўлакчалари мавжуд эмас. Бундан ташқари, сайлов округи ҳудудидан ўтувчи йўллар устида кўприк йўқлиги туфайли ҳаракатланиш ва мактабга, аҳолининг ишга қатнашларида қийинчиликлар туғдирмоқда. Мана шу сингари муаммоларни бартараф этиш мақсадида Пешқў туман "Йўл қурилиш, таъмирлаш" пудрат корхонасига ва бошқа мутасадди ташкилотларга тегишли тартибда депутатлик сўровлари юборилган эди. Учрашувда амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, сайловчилар билан мулоқот доирасида "Туркистон" МФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли вакилларига йўллардан самарали фойдаланиш маданияти, соҳанинг ҳуқуқий асослари ҳақида тушунча берилди. Ҳудудлардаги автомобиль йўлларига ажратилган жойларда ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, уларнинг ўзларига бириктириб қўйилган ер майдони чегарасида пиёдалар юрадиган йўлкалар ва йўловчиар ўтадиган кўприкчалар қуриш, уларни таъмирлаш, умум фойдаланишдаги автомобиль йўлларига келиб туташадиган йўлларни, жумладан, кесиб ўтиладиган кўприкларни техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш, объектлардан фойдаланувчилар ҳуқуқлари амалга оширилишига монелик қиладиган хатти-ҳаракатлар содир этмаслик, шаҳарсозлик регламентига зид ҳолда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш борасида амалий тавсиялар берилди.

**Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,**
**Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Қадри юксак аёллар

**➢ "Адолат"нинг адолатли аёлларари**

Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар асосида жамиятда аёллар фаоллигини ошириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларида аёллар ташаббускорлигини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Айни кунда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши «Аёллар қаноти» сафида 4335 нафар хотин-қизлар бор, уларнинг асосий қисми халқ саломатлиги ва ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фидокорона меҳнат қилаётган партия электорати вакилларидан иборат. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, хусусий тадбиркорлик ва саноат, маданият ва спорт соҳаларида ўзларининг халол меҳнатлари билан эл-юрт эътиборини қозонаётган опа-сингилларимиз ҳам оз эмас.

Сафдошларимиз орасида 2 нафар фан доктори, 10 нафар фан номзоди, турли корхона-ташкилотлар ва таълим, тиббиёт муассасаларида раҳбарлик қилаётган 100 га яқин аёллар, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган 3 нафар ижодкор қизлар борлиги биз учун фахр.

Партиямиздан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига 1 нафар, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига 13 нафар хотин-қизлар депутат бўлиб сайланган. Ўтган 2015 йил давомида "Аёллар қаноти" кенгаши томонидан турли шакл ва мавзулардаги 50 дан ортиқ тадбирлар ўтказилиб, уларда 2000 га яқин хотин-қизлар қатнашдилар.

Ўтказилаётган тадбирларимиз самарадорлигини таъминлаш мақсадида хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла, диний ташкилотлар, ички ишлар ва ФҲДЁ органлари ходимлари бевосита иштирок этмоқда. Маҳаллаларда ва олис овулларимизда истиқомат қилаётган опа-сингилларимизнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва оилавий фаровонликларини таъминлаш йўлида давлатимиз томонидан яратилаётган қатор имкониятлардан хабардорлигини ошириб бориш мақсадида турли соҳаларга доир ишлаб чиқилган қатор қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ишлари ташкил этилган. Аъзоларимиз орасида хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиб, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш йўлида изланишлар олиб бораётган 20 дан ортиқ тадбиркор аёллар кўпчиликка ўрнак бўлмоқда.

Улар орасида Нукус шаҳридан "Айим – тур" хусусий фирмаси ташкилотчиси Айимгул Шамуратова, Нукус туманидан «Юлдашева Дилбар» кичик корхонаси раҳбари Намихан Алланиязова ва Тахтакўпир туманидан "Сутилмек" фермер хўжалиги раҳбари Айгул Қабилбековаларнинг номларини ҳурмат билан тилга олиш ўринли.

Хотин-қизлар ўртасида спортнинг кенг оммалашувида Қорақалпоқ давлат университети катта ўқитувчиси, спорт устаси, партиямиз фаоли Абадан Исмаилова доимо ибрат кўрсатиб келмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши "Аёллар қаноти" томонидан ташаббускор, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан етук билимга эга, партия дастурий вазифаларини аҳоли ўртасида фаол тарғибот қила оладиган, маънавий дунёқараши кенг аёлларни аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танлови ҳам сафимизнинг йилдан-йилга кенгайиб, партиямиз дастурий мақсадларининг ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб номланиши ҳам фаолларимизга янада куч-ғайрат бағишлаб, хотин-қизлар ва ёшлар орасида тиббий ва экологик, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятни юксалтириш йўлидаги фаолликларини янада кучайтиришга ундамоқда.

Партия томонидан татбиқ этилган "Соғлом турмуш тарзи йўлида бирлашайлик", "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур", "Соғлом оила — соғлом жамият — порлоқ келажак" каби ижтимоий лойиҳалар доирасидаги тадбирларни амалга оширишда ҳам билим ва тажрибаларимиз билан иштирок этиш, ҳар биримизга юксак масъулият юклайди.

**Улбосин СЕЙТЖАНОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси, педагогика фанлари номзоди**

**➢ Дил сўзи**

Азалдан Шарқ халқлари, жумладан, юртимизда аёл доим улуғ зот дея таърифланиб, оналар беқиёс қадрланган. Халқимизнинг урф-одатлари, қадриятлари, анъаналари, бари-барчаси аёллар ва уларнинг фазилатлари билан боғлиқ.

## Яшнаш-янгиланиш фаслига монанд

Мустақиллик йилларида ана шу эзгу анъаналар юксак даражада қадрланиб, янгича мазмун-моҳиятга эга бўлди. Аёллар манфаатига эътибор, оналик ва болаликни муҳофаза этишга доир мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Хотин-қизлар давлат томонидан ишончли ҳимоя қилиниб, кўплаб имтиёзларга эга бўлди, рағбатлантирилди.

Юртимиз аёллари ҳам бу юксак эътиборга жавобан қалб шижоати, ақл-тафаккури, фидойилиги билан мамлакатимиз равнақи йўлида ўз қобилиятларини намоён қилмоқдалар. Буни хотин-қизларнинг эришган ютуқлари билан жаҳонга танилганида, илм-фан, санъат, адабиёт, спорт, тадбиркорлик каби ўнлаб соҳалардаги муваффақиятларида кўришимиз мумкин.

Шуниси аҳамиятлики, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳам диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, "Адолат" социал-демократик партиясининг дастурларида ҳам бу борада муҳим мақсад-вазифалар ўрин олган.

Бугунги кунда партия томонидан ўтказилаётган тадбирларда хотин-қизларнинг иштироки жуда сезиларли. Буни жойларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувларда ҳам яққол гувоҳи бўлаяпмиз. Улар сайловчи сифатида фаол, фуқаро сифатида фидойи, мавжуд масалаларга эътиборли ва ташаббускор, дахлдорлик ҳисси билан ёндашадилар. Буни аёлларнинг нафақат ўз шахсий масалалари, балки ҳудудлар ободлиги, ижтимоий мақсадлар, маҳалла ҳаёти билан боғлиқ ишлар акс этган мурожаатлари мазмунидан ҳам англаш мумкин.

Мен ишлаётган Хатирчи хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежида ҳам хотин-қизларнинг муносиб ўрни бор. Жамоамизнинг салмоқли қисмини хотин-қизлар ташкил этади ва улар ёш авлодни интеллектуал салоҳияти юксак, касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялашга астойдил ҳисса қўшмоқдалар. Бу ерда ҳам фаоллик, ташкилотчилик, ташаббускорлик бобида аёллар пешқадам десам, муболаға бўлмайди.

Айни кунларда ана шундай кўтаринкилик яратувчанлик иштиёқига тўла қалбларимизда янада кучайди. Соғлом она ва бола йилининг гўзал баҳор фаслида яшнаш-янгиланиш фаслига монанд Аёллар байрами куни арафасида турибмиз. Байрамолди кайфияти эса бизларни янги марраларга ундайди.

**Қаноат СУЛТОНОВА,**
**халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгаши депутати, ўқитувчи, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳиби**

# "Дарғом санам чеварлари"

## оилалар фаровонлигига ҳисса қўшмоқда

**➢ Ибрат**

Бу ерда ҳамма нарса баҳорга, унинг дилларни қувнатувчи рангин манзараларига ўхшаб кетади. Аёллар қўлида жило топиб, ҳар қандай нозик-таъб харидорга маъқул бўладиган либослар, сумкалар ва турли тақинчоқлар миллий ҳунармандчилигимизнинг гўзал ва бетакрор қирраларини намоён этади. Бир қарашдаёқ бу ижодкорона, нафис буюм ва либосларни жисмоний имконияти чекланган опа-сингилларимиз тайёрлаганидан ҳайратланасиз.

"Дарғом санам чеварлари" корхонасида шундай санъаткорона меҳнат, ижод ва унинг нашидасидан юз нафар хотин-қизлар ҳар куни баҳраманд бўлиб, ўзларининг ва бошқаларнинг рўзғорига файз-барака киритмоқдалар.

БМТнинг Тараққиёт дастури бўйича махсус грантни қўлга киритган пастдарғомлик тадбиркор Шарбат Шодмонова "Дарғом санам чеварлари" корхонасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Оилавий касаначиликни ривожлантириш асосида хотин-қизларни даромадли иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида тузилган мазкур корхона партия дастурида белгиланган вазифаларнинг амалий жавоби бўлмоқда, дейиш мумкин.

Дарвоқе, "Дарғом санам чеварлари" ўз маҳсулотлари билан турли нуфузли кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, қатор совринларни қўлга киритиб келмоқда. Ш.Шодмонова ўтган йилнинг якунида "Адолат" СДП томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол адолатчи аёли" кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиблар қаторидан жой олди.

Фидойи сафдошимиз Пастдарғом туман партия кенгашининг "Аёллар қаноти" етакчиси сифатида сиёсий маҳорати ва ташкилотчилик қобилиятини намоён этиб келмоқда.

— Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг жамиятда муносиб мавқега эга бўлишларига қўмаклашиш, тадбиркорлик, раҳбарлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан саналади, — дейди сухбатдошимиз Ш.Шодмонова. — Пастдарғомда бугун касаначилик, оилавий тадбиркорлик йўналишида юзлаб янги иш ўринлари яратилмоқда. Хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича машғулотлар ўтказилмоқда, турли кўрик-танловлар уюштирилмоқда.

Томорқа хўжалиги, чорвачилик ёки паррандачилик билан шуғулланиб, шу турдаги маҳсулотлари билан бозорлар тўкинлигига ҳисса қўшаётган аёлларимизга бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази томонидан меҳнат дафтарчалари очилиб, уларнинг фаолияти қонун асосида кафолатланиши таъминланмоқда. Демак, оила ва жамият манфаатларига монанд иш юритилиб, хотин-қизларнинг бунёдкорликлари учун янги-янги имкониятлар яратилмоқда. Ана шу эзгу ташаббусларнинг қўллаб-кувватланишида партиямиз фаоллари муносиб ўрин эгаллаб келаётгани бизни мамнун этади.

Шарбат Шодмонова ана шундай ижтимоий фаол, сиёсий ҳозиржавоб партиядошларимиздан бири сифатида нафақат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, балки оилалардаги репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, таълим, тиббиёт соҳаларидаги жараёнларни назорат қилиш, маҳаллалар билан ижтимоий ҳамкорликни кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу борада партиянинг туман маҳаллий Кенгашидаги депутатлик гуруҳи унга яқиндан кўмаклашмоқда. Ўтган вақт мобайнида депутатлар иштирокида ўндан ортиқ ижтимоий масалалар халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссияларида муҳокама этилиб, тегишли чора-тадбирлар амалга ошганлиги хотин-қизларнинг оилавий, касбий шароитларини яхшилаш, касаначиликни янада ривожлантиришга хизмат қилаяпти.

Демак, ташаббускорлик, ижро назорати ва сиёсий масъулият бор жойда ҳар қандай эзгу иш ўз рағбатини топади, оилалар фаровонлашиб бораверади.

**Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,**
**"Adolat" мухбири**

**➢ Ватан келажаги ёшлар қўлида**

Ёшларнинг истеъдод ва қобилиятларини ривожлантириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини ошириш, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, ёшларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида Фарғона вилоят партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти томонидан сафдош қизлар ўртасида "Адолат гулғунчаси" кўрик-танлови ўтказилди.

# Иқтидорли қизлар

## ўз қобилиятларини намоён этишди

Жорий йилнинг февраль ойида вилоятнинг барча туман-шаҳарларида ғолиблик учун беллашган иштирокчиларнинг 19 нафари кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўлланмани қўлга киритган эди. Партиямизнинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида ташкил этилган мазкур танловнинг вилоят босқичи ҳам қўтаринки руҳда бўлиб ўтди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Нурали Суярқулов мамлакатимиз таянчи бўлган ёшларга яратилган имкониятлар, ёш партиядошларимиз эришаётган ютуқлар ҳақида фикр юритди.

Иштирокчилар танловнинг биринчи шартида "Шу мустақил юртнинг азиз фарзандиман!" мавзусида шеърий усулда бугунги кунда олиб бораётган ижодий фаолияти, келгусидаги орзу-мақсадлари, ватанпарварлик туйғуларини бадиий ифодалашди. "Бу менинг танловим — менинг партиям!" мавзусидаги савол-жавоблар шартида иштирокчилар сиёсий билимларини синовдан ўтказдилар, сиёсий партиялар фаолиятига доир қонунчилик асослари, "Адолат" СДПнинг мақсад-вазифалари, парламент фаолиятига оид саволларга жавоб беришди. Иштирокчилар ижодий мусобақада ҳам бир-биридан қобилиятли эканликларини намоён қилишди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир чиқишни белгиланган мезонлар бўйича холис баҳолаб борди. Умумий баллар натижасига кўра, Қўқон шаҳридан Садоқат Расулова биринчи ўринга сазовор бўлди. Бағдод туманидан Нилуфар Раҳимова 2-ўринни, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманидан Мафтуна Набиева ва Гуллола Раҳмоналиевалар 3-ўринни эгалладилар.

Тадбир давомида "Ёш адолатчилар" қаноти томонидан тайёрланган "Кўзгудаги келажак" номли ижтимоий видео-ролик намойиш этилди. Фарғона шаҳар Олимпия захиралари спорт коллежи "Бадиий гимнастика" тўгараги аъзолари чиқишлари ҳам барчага завқ бағишлади.

Ўзбекистон туман партия кенгашининг "Ёш адолатчилар" қаноти етакчиси Моҳинур Мақсудалиеванинг фикрича, ушбу танлов ёш, интилувчан, ижодкор қизларга ўз истеъдодларини намоён қилишга яна бир имконият яратди ва уларни "Ёш адолатчилар" сафида умидли ижодкорлар гуруҳи сифатида кашф этди.

— Мазкур танлов ҳар бир ёш сафдошимизга қувонч ва куч бағишлаган бўлса, эндиликда партиямиз томонидан биз, ёшларга билдирилган ишонч ва умидни чуқурроқ ҳис қилмоқдаман, — дейди Садоқат Расулова.

Танлов ғолиблари ва фаол иштирокчилар вилоят партия ташкилотининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Комила ИСРОИЛОВА,**
**Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби**

# Жамиятнинг мустаҳкам таянчи

**➢ Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур**

Урганч шаҳрида Ўзбекистон "Адолат" СДП Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан партиянинг "Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур" лойиҳаси доирасида "Соғлом она, соғлом бола — юксак келажак пойдевори" мавзусида учрашув ўтказилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Урганч шаҳар бўлинмаси билан ҳамкорликда бўлиб ўтган мазкур учрашувда шаҳардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари, партия фаоллари, депутатлар иштирок этдилар.

Тадбирни "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Урганч шаҳар бўлинмаси бош мутахассиси М.Бобожонова кириш сўзи билан очди. Унда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири эканлиги, миллат генофондини яхшилаш, ҳар бир оилада тиббий маданиятни шакллантириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш орқали одамларнинг узоқ умр кўриш даражасини янада ўстириш каби масалаларга эътибор қаратилиб, бу борада "Адолат" СДП вилоят ташкилотининг амалий саъй-ҳаракатлари самарали олиб борилаётгани таъкидланди.

Вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Манзура Назаркулова юртимизда хотин-қизлар ва болаларнинг соғлиғини мустаҳкам ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, тиббий хизмат тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, оналик ва болаликни муҳофазалаш бўйича кенг кўламли ишларнинг юқори натижалари дунё жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлаётганини алоҳида қайд этиб ўтди.

Шунингдек, тадбир давомида вилоят онкология диспансери бош шифокори, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши депутати Тоҳиржон Полвоновнинг "Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда партия фаолларининг ўрни", Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали кафедра мудири, маҳаллий Кенгаш депутати Донохон Олимованинг "Соғлом она ва бола — мамлакатимиз таянчи" мавзуларидаги маърузалари тингланди.

— Бундай тадбирларнинг ўтказилиши маҳалла фаолларининг ҳуқуқий, сиёсий билимларини оширишга, тарғибот ишларини таъсирчан олиб бориш кўникмаларини чуқурлаштиришга, шу орқали маҳаллаларда яшаётган фуқароларнинг ўз соғлиғи ва яқинларининг, оила аъзоларининг саломатлигига эътиборини кучайтириш, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларнинг туб моҳиятини теранроқ англашларига хизмат қилади, — дейди "Эгам Раҳим" МФЙнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулора Исмоилова.

Тадбир сўнггида ижтимоий сўров анкетаси ёрдамида маҳалла фаолларининг мавзуга доир фикрлари ўрганилди ва иштирокчиларни қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар берилди.

**Замира АБДУЛЛАЕВА,**
**Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби**

# «Аёллар маслаҳат маркази» — мазмунли мулоқот маскани

**➢ Ташаббус**

**Аёл — оила гултожи, жамият чароғбони, миллатнинг кўркидир. Аёл борки, хонадонларимиз саришта, маҳаллаларимиз, юртимизда файзу барака, ишларимизда тартиб бўлади.**

**Бугун хотин-қизларимиз фаолият юритмаётган соҳанинг ўзи йўқ. Тадбиркорлик дейсизми, илмий тадқиқот, изланиш билан шуғулланиш бўладими, ҳамма соҳани мувафаққиятли эгаллаб, давлатимиз ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Неча-неча юзлаб тадбиркор опа-сингилларимиз минглаб ёшларимизни доимий иш билан таъминласа, минглаб аёл ўқитувчи ва мураббийлар болаларимизни маърифат ва эзгулик ғоялари сари етаклаяпти. Натижада мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидаги довруғи ошгандан ошиб бормоқда.**

Лекин шуни айтиш керакки, аёл қанчалик мустаҳкам ирода эгаси, мехрибон она, тажрибали раҳбар ёки суюкли рафиқа бўлмасин, у ширин сўзнинг шайдоси бўлиб қолаверади. Аёл ҳамиша ўзига нисбатан эътибор, эъзоз, эҳтиром кўрсатишларига эҳтиёж сезади. Бу оддий ҳақиқатни дунёнинг бир гуруҳ олимлари, мутахассислари томонидан ўтказилган тадқиқот натижаси ҳам кўрсатиб турибди. Олимлар эркак ва аёлнинг айнан бир масалага нисбатан қараши, нуқтаи назарининг ўзига хос жиҳатларини ўрганишган. Тадқиқот доирасида юзлаб эркак ҳамда аёллар ўртасида "Сиз учун оилада нима муҳим?" мавзусида ижтимоий сўров ўтказилган бўлиб, ушбу ижтимоий сўровда эркакларнинг аксарияти улар учун оилада энг муҳими "барқарорлик", "тинчлик" деган жавобни берган бўлса, хотин-қизларнинг муайян қисми эса "мулоқот", "эътибор" улар учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашган.

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш, уларнинг ижтимоий мавқеини юксалтиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Вилоят ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида "Аёллар маслаҳат маркази" ташкил этилиши ҳам ана шундай эътиборнинг самарасидир.

"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими ҳузуридаги "Аёллар маслаҳат маркази"нинг энг биринчиси 2014 йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастурига асосан Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманида ташкил этилган эди. Мақсад — тумандаги хотин-қизларнинг муаммосини изчил ўрганиш, уларга бепул психолог, тиббий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш орқали аёлларнинг маънавий дунёқарашини соғломлаштиришга эришишдан иборат.

Юқорида аёллар учун мулоқотга киришиш қанчалик муҳим эканлигига бежиз тўхталмадик. Зеро, маслаҳат марказида аёлларнинг мазкур эҳтиёжи бутунлай қондирилади. Аёл, аввало, уни диққат билан тинглайдиган суҳбатдошини топади, ўзини қийнаётган муаммони ечиш ҳақида беминнат маслаҳатга эга бўлади. Марказда малакали психолог, ҳуқуқшунос ва шифокорлар хизмат қилаётгани бежиз эмас.

— Эртамизнинг эгалари ҳисобланмиш ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, аввало, аёллар, оналарнинг хизмати катта бўлади, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги "Аёллар маслаҳат маркази" раҳбари Дилбар Аҳмедова. — Бугун аёлларимиз бу борада ҳар қачонгидан фаол, ташаббускор. Улар ҳам оила, ҳам жамиятдаги муҳит яхшиланиши учун бор куч-қувватини аямайди. Бугун опа-сингилларимиз ҳукуматимиз яратган имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз олдига аниқ ва эзгу мақсадларни қўйишаяпти. Бунинг учун улардан кучли билим, кенг дунёқараш ва мустаҳкам ирода эгаси бўлиш талаб этилади. Бу каби хусусият ва хислатлар ҳамма аёлларимизда ҳам мавжуд, деб айта олмаймиз ва бу табиий, албатта. "Беш қўл баробар эмас" деганларидек, ҳамма аёллар ҳам ўзига нисбатан қатъий ишончга эга бўлмаслиги мумкин. Марказ мутахассислари ва ҳамкорларимизнинг асосий мақсади, аввало, аёлларнинг ўзига нисбатан ишончини ошириш, уларни ижтимоий фаолликка ундаш, маънавий дунёқарашини соғломлаштириш орқали оиласи, жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашига кўмаклашиш ҳисобланади. Сабаби маънавий-маърифий билими мустаҳкам, тиббий-психологик баркамол, ҳуқуқий маданияти шаклланган аёллар, албатта, оиласига, жамиятга, давлатга нафи тегишини хоҳлайди.

Марказ мутахассислари берган маълумотларга қараганда, марказга ташриф буюрувчиларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Хусусан, 2014 йилда бу масканга 2 минга яқин опа-сингилларимиз ташриф буюрган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони икки баробар кўпайган. Бу эса, марказ бежиз ташкил этилмаганидан далолатдир. Демак, хотин-қизлар марказ маслаҳатлари, йўл-йўриғининг фойдасини ўз ҳаётлари мисолида ҳис этишганки, бошқа опа-сингилларига ҳам бу масканга боришни тавсия этишган. Бундан ташқари, марказ ташаббуси билан ҳафтанинг муайян кунларида турли мавзуларда ўтказилаётган давра суҳбатларида хотин-қизлар ўзлари учун зарур маълумотларга эга бўлаётгани ташриф буюрувчиларнинг сони ўсишида муҳим аҳамият касб этмоқда. "Соғлом турмуш тарзига риоя қилиш — саломатлик гарови", "Бола парваришида онанинг ўрни" "Соғлом авлод асослари", "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш", "Эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари", "Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг ноҳуш оқибатлари", "Тўй ва маросимлардаги дабдабабозликни бартараф этиш — ўз қўлимизда", "Ёшларда маънавий бўшлиқ шаклланишининг олдини олишда оиланинг ўрни" каби мавзулардаги давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

— Жорий йилнинг 5 февралида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тошкент шаҳрида ёшлар таълим-тарбияси ва хотин-қизлар ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, мазкур ҳужжатда Тошкент шаҳрининг Олмазор, Учтепа туманлари ҳамда бизнинг туманимиздаги "Аёллар маслаҳат маркази" фаолиятига ижобий баҳо берилгани ва шаҳримизнинг бошқа туманларида ҳам эксперимент тариқасида бундай марказлар ташкил этилишига оид вазифа белгиланган биз, марказ мутахассисларини қувонтирди. Шу билан бирга, ўз устимизда янада изчил ишлашимиз учун масъулият юклади, — дейди суҳбатдошимиз Дилбар опа. — Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш лозим, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам бизникига ўхшаш муассасалар, марказлар мавжуд. Бироқ уларнинг барчаси ҳусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш асосида фаолият юритади. Бизнинг марказларимиз эса хотин-қизлар, фуқаролар учун бепул хизмат кўрсатади. Марказимиз шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши асосида "Маҳалла" фондининг маблағи ҳисобига фаолият юритмоқда.

**Саодат СОДИҚОВА,**
**"Adolat" мухбири**

# Ёрқин келажак эгалари

**➢ 2016 йил — Соғлом она ва бола йили**

**Гимнастрада сўзи "гимнастика" ва "эстрада" сўзларининг қисқартма шаклидир. Бир пайтнинг ўзида спортнинг гимнастика, акробатика, аэробика турлари ҳамда рақс санъатининг айрим элементларини ўзида жамловчи бу спорт тури билан шуғулланиш кишига хуш кайфият тақдим этади ҳамда саломатликни тиклашга ёрдам беради.**

Бугун спортнинг бу нафис тури сир-синоатини ўзлаштириш қийин бўлмай қолди. Аниқроғи, республикамизнинг деярли барча ҳудудларидаги маҳаллаларда, умумтаълим мактабларида ташкил этилган тўгаракларда спортнинг кўплаб тури қаторида гимнастрадани ҳам мукаммал эгаллаш учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

11 ёшлик Наргиза Болтабоева Тошкент шаҳри Сергели туманидаги 267-умумтаълим мактабида таҳсил олади. Табиатан вазмин, босиқ бу қизалоқнинг онаси Соҳиба опа бундан 4 йил аввал Наргизани мактабга олиб борар экан, хаёлидан не-не ўйларни ўтказмади. "Қизимнинг жуссаси тенгдошларига нисбатан анча кичик, нозиккина, қоларса, камгап бўлса... Синфдошлари, атрофдагилар билан тиллаша оларми-кан? Кичкинагина, камгап қиз экан, деб бошқалар Наргиза хафа қилмасмикан..."

Бир куни Соҳиба опа ўз хавотирларини қизининг ўқитувчиси Одина Муҳиддиновага тўкиб солди. Муаллима мийиғида кулиб қўйиб, хавотирланишга асос йўқлиги, Наргиза гарчи ёшига нисбатан кичкина кўринса-да, бошқалардан ажралиб туриши, харакатчан, зийрак қиз бўлганлиги учун уни синфдагиларнинг ҳаммаси ҳурмат қилишини айтди. Шундан кейин "Яқинда мактабда гимнастрада тўгараги ташкил этилди, истасангиз Наргиза ҳам дарсдан кейин тўгаракка келсин, бўйи ўсади, касалликларга карши курашувчанлиги, "иммунитет"и ошади", деб қўшиб қўйди.

Шу-шу бўлдию, Наргиза дарсдан кейин тўгарак раҳбари Ёқут Абдуллаева бошчилигида гимнастрада билан шуғуллана бошлади. Спорт инсоннинг саломатлигига ижобий таъсир кўрсатишини Соҳиба опа қизи Наргиза мисолида янада яхши тушуниб етди. Аввалари овқат емаслик учун турли баҳоналарни топишга ҳаракат қилган Наргиза спорт билан шуғулланганидан буён устозлари ўгитига амал қилиб, қандай озиқ-овқатлар инсон организмига фойдали, қай бири зарарли эканлиги ҳақида онасига сўзлаб берадиган бўлди. Соҳиба опа ҳам таомномани ўзгартириб, сутли маҳсулотлар, ўзимизда етиштирилган мева-чевалар, қўқатли таомларни кўпроқ тайёрлайдиган бўлди. Тез орада қизалоқнинг бўйи ҳам ўсди, вазни ҳам ёшига мос бўлди...

Республикамизда ёшлар ўртасида ўтказилаётган "Нафосат олами", "Камолот" ғунчалари" сингари турли танлов, турнирларда қатнашиб фахрли ўринларга сазовор бўлиб келаётган қаҳрамонимиз Наргиза билан суҳбатлашар экансиз, ҳали ёш бўлсада, ўзининг аниқ мақсади, орзусига эгалиги кишининг ҳавасини оширади. У келажакда гимнастрадан ташқари гимнастика, сузиш билан мунтазам шуғулланиш ва яқинда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогидаги мусобақада энг юқори натижани қўлга киритган Оксана Чусовитина сингари Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиш ниятида эканлиги ҳақида тўлқинланиб сўзлади.

— Келажакда шифокор бўлмоқчиман, — дейди Наргиза биз билан суҳбатда. — Чунки шифокорлар инсонларнинг дардига даво топиб, уларнинг саломатликларини сақлашга, умрлари узайишига ёрдам беради. Мен ҳам шу касб эгаси бўлиш, беморларни даволаш ниятидаман. Агар инсон ҳар қанча бадавлат ёки ақлли бўлсаю, саломат бўлмаса, ҳаётнинг мазмуни, эришилган ютуғу мартабаларнинг мазмуни йўқолади. Шу боис доимо маҳалладаги, мактабимиздаги дугоналаримга ўз саломатлигига бефарқ бўлмаслик, мунтазам спорт билан шуғулланишлари кераклиги ҳақида кўп гапираман.

Кези келганда таъкидлаш жоиз, Наргиза таҳсил олаётган мактабда нафақат спорт, балки фан тўгараклари ҳам изчил йўлга қўйилган. 931 нафар ўқувчига таълим-тарбия берилаётган бу мактабда халқ таълими тизими доирасида ўтказиладиган "Билимлар беллашуви", турли фан олимпиадалари ғолиблари кўплаб топилади.

— Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Ёш геолог" республика олимпиадасида ҳам мактабимиз ўқувчилари энг олий ўринларга сазовор бўлиб келмоқда, — дейди мактаб директори, халқ таълими аълочиси Ҳамида Азизова. — Бундан ташқари, ўқувчиларимизнинг маънавий дунёқарашини соғломлаштириш мақсадида ҳафтанинг жума кунини "Маънавият куни" сифатида белгилаганмиз. Бу кунларда таълим муассасамиз жойлашган "Нўғай-Қўрғон" маҳалласининг фаол фахрийлари, намунали оила азолари мактабимизга келиб, ўқувчилар билан турли мавзуларда суҳбатлар ўтказишади.

**Муассаса раҳбарининг таъкидлашича, "Соғлом она ва бола" йилида бу каби учрашувлар, давра суҳбатларини янада самарали ўтказиш режалаштирилган. Шунингдек, спорт, маданият, таълим йўналишларида юқори натижаларни қўлга киритган юртдошларимиз мактабга таклиф этилиб, турли спорт мусобақалари, турнирлар ўтказилиши белгиланган.**

**С.ЖАББОРОВА**
**"Adolat" мухбири**

# Оналар улуғланган юрт

**➢ Дил сўзи**

**Ўлкамизга баҳор ташриф буюрди. У ҳар бир инсоннинг қалбини қувончга тўлдирмоқда. Кўклам нафасини туйиш, уйғонаётган табиатнинг гўзаллигига мафтун бўлишнинг завқи беқиёс. Шундай фарахбахш кунларда мунис онажонлар ва опа-сингилларимизнинг байрами нишонланиши кўнгилларга ўзгача шукуҳ бағишлайди.**

Айни пайтда бу йилги шодиёна "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этишга қизғин киришилган пайтда нишонланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Энг муҳими, бу борадаги устувор вазифалар орасида оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилгани таҳсинга лойиқ.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури билан танишсангиз, хотин-қизлар саломатлигини асраш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш соҳасидаги ишларни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларга кенг ўрин берилганидан кўнглингиз тўлади. Айниқса, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, юқори малакали аёл мураббийлар тайёрлаш каби вазифалар кун тартибига қўйилгани диққатга сазовордир.

Вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш доирасида бир қатор ишлар амалга оширилганлигини қайд этиш лозим. Аввало, унинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, шифокорлар малакасини ошириш, беморларни даволашнинг замонавий ва таъсирчан усулларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили "Саломатлик-3" дастури доирасида хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган тиббий ускуналар ўрнатилди. Бу йил ҳам мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Шифокорларимиз орасида ўз касбига меҳр қўйган, соғлом авлодни камол топтиришдек олижаноб ишда фаоллик кўрсатаётган мутахассислар талайгина. Улар орасида Ўзбекистон "Адолат" СДП аъзолари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Иккинчи даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳиби кардиоревматолог Иброҳимжон Абдуллаев, педиатр Асилахон Эгамбердиева, ортопед Рустамжон Абдурахмонов, ўрта тиббиёт ходимлари Марям Юнусова, Гулчеҳра Қўчқорова шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, аёллар мамлакатимизда жамиятнинг чексиз ғамхўрлиги оғушида. Бундай шароитларда яшаш ва меҳнат қилишдан зиёд бахт борми?! Юртимиз аёллари, опа-сингилларимиз мана шу кўрсатилаётган эътиборга муносиб бўлиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ишига астойдил ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**Нилуфар ШАМСИДДИНОВА,**
**Наманган вилоят кўп тармоқли болалар тиббий маркази шифокори, "Адолат" СДП бошланғич ташкилоти раиси**

# Ижтимоий шериклик имкониятлари

## амалиётда ўз самараларини бермоқда

**➢ Тадбир**

**Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат нотижорат ташкилотларининг иштироки тобора кенгайиб бораяпти. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниши уларнинг фаолият ва имконият кўламларини янада кенгайтирди.**

Ушбу қонун асосида халқ депутатлари вилоят Кенгашлари ҳузурида Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари ташкил этилиб, айни пайтда изчил фаолият кўрсатаётганлиги сезиларли ижобий натижалар бераяпти.

Халқ депутутлари Навоий вилояти Кенгаши ҳузуридаги Ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган устувор вазифаларига бағишланган йиғилишида ҳам ана шулар алоҳида қайд этилди.

Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган тадбирда вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари масъул ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг ҳудудий ташкилотлари етакчилари, давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари раҳбарлари, маҳаллалар фаоллари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Айни пайтда вилоятимизда 400 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда, — деди ўз маърузасида мазкур комиссия раиси Назира Тоғаева. — Комиссиямиз уларнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлардаги ва давлат буюртмаларини бажаришдаги иштирокини кучайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда. Жумладан, якунланган йилда вилоятимиздан 47 та ННТ ўз лойиҳалари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант танловларида иштирок этиб, улардан 13 таси ғолиб деб топилди. Жорий йилда ННТларни давлат ташкилотлари билан ҳамкорликка кенг жалб этиш, улар фаолиятини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга эътибор янада ортади.

— Ижтимоий шерикликни ривожлантириш Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам муҳим масалалар қаторида таъкидланган, — дейди тадбир қатнашчиси, Навоий вилоят партия кенгаши раиси Хамид Жумаев. — "Адолат" СДПнинг "ННТ — партиянинг бош ижтимоий ҳамкори" лойиҳаси партиямизнинг ижтимоий ҳамкорлик фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда мазкур лойиҳа муваффақиятли равишда амалга оширилмоқда. Бу борада 2016 йил учун ҳам аниқ вазифалар белгилаб олинган. Жумладан, вилоятимиздаги "Жонли табиат" биоэкологик маркази билан ҳамкорликда Зарафшон дарёси ҳолатини ўрганиш ва ифлосланишининг олдини олиш масаласи юзасидан амалий ишларга киришдик.

Тадбирда Олий Мажлис ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзоси Шухрат Ёқубовнинг 2016 йилда жамоат фонди маблағларини тақсимлашнинг асосий йўналишлари ва эълон қилинган давлат грантлари тўғрисидаги маърузаси ҳам тингланди.

**Олим ХЎЖАЕВ,**
**"Adolat" мухбири**

# Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси

## борасидаги қонунчилик асосларини такомиллаштиришнинг долзарб аҳамияти

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш масаласи алоҳида қайд этилган. Президентимизнинг 2011 йил 24 майдаги "Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори соҳани ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Қарорга мувофиқ соҳани ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар, интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланди.

Конференцияда интеллектуал мулк соҳаси ҳуқуқий асосларининг бугунги ҳолатини ҳар томонлама таҳлил этиш, бу борада бир қатор қонунларда белгиланган нормалардаги мавжуд номутаносибликларни қонуний тартибда бартараф қилиш иштирокчиларнинг диққат марказида бўлди.

Таъкидланганидек, ҳуқуқни қўллаш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришда миллий ва халқаро тажрибаларни таҳлил қилган ҳолда зарур янги нормаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишга эҳтиёж бор. Хусусан, интеллектуал мулк объектларига нисбатан қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан жавобгарликни кучайтириш, маъмурий ёки жиноий жавобгарликни назарда тутувчи янги қоида ва ўзгартишларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу билан нафақат интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқлари, моддий манфаатдорлиги ҳимоя қилинади, балки солиқлар орқали Давлат бюджетига ҳам маблағлар келиб тушишига эришилади.

Бугунги кунда республикамизда интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республика ҳудудига қалбаки товарларнинг ноқонуний олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш чораларини кўришда ваколатли давлат органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган.

Иштирокчилар интеллектуал мулк соҳаси ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу йўналишда амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, патент ҳуқуқи соҳасидаги қонунчиликнинг ривожланиши каби мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

**Алишер ШОДМОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:**

– Бугунги тараққиёт даврида илм-фаннинг мислсиз ривожланиши шунга мутаносиб равишда интеллектуал мулк муҳофазасини изчил таъминлашни ҳам тақозо этади. Истиқлол йилларида бу борада ҳуқуқий база яратилди, интеллектуал мулк муҳофазаси соҳасида 10 дан ортиқ қонунлар, кўплаб қонуности ҳужжатлари қаётга татбиқ этилаяпти. Шунингдек, соҳага оид бир қатор халқаро конвенциялар ратификация қилинди.

Бугунги кунда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасининг ташкилий-ҳуқуқий негизи тўла яратилган, халқаро андозаларга жавоб берувчи қонунчилик асослари мавжудлигини эътироф этиш жоиз.

Шу билан бирга, бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан икки йил давомида амалдаги қонунларга бир қатор ўзгартишлар киритилди, бу янги нормалар юртимизга контрафакт маҳсулотлар олиб кирилишига чек қўйиш, кино-видео, аудиовизуал маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фонограммадан фойдаланишни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги Божхона кодекси, "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги қонунда ҳам мазкур соҳага оид нормалар акс этганини кўриш мумкин. Муҳими, интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси депутатларнинг доимий эътиборидаги масалалар сирасига киради.

Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам интеллектуал мулк объектлари (муаллифлик ҳуқуқи, турдош ҳуқуқлар, ихтирога бўлган ҳуқуқ ва бошқалар) ҳуқуқлари бузилишига нисбатан масъулиятни ошириш, шунингдек, мазкур соҳада назоратни кучайтириш хусусида алоҳида қайд этилган ва ушбу йўналишда партиямиз ташаббуси билан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Партиямиз Ўзбекистоннинг келажаги – инновацион иқтисодиётда, деб ҳисоблайди. Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳимоясига доир қонунчиликни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожи ҳамда мамлакатнинг интеллектуал ишлаб чиқаришини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Албатта, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланишга эришиш, қонунийликни таъминлаш, соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлашни юқори даражага кўтариш, ахборот таъминотини янада изчил йўлга қўйиш масалаларида ҳали қилинадиган талай ишлар бор. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жорий йилда Қонунчилик палатаси томонидан интеллектуал мулк соҳаси билан боғлиқ қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шу маънода, ушбу конференция ва унда билдирилган таклиф ва мулоҳазалар интеллектуал мулк муҳофазасига оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

**Мақсуд БОБОЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи:**

– Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш – уларнинг яратилганлик факти бўйича ёҳуд қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда ваколатли давлат органи томонидан ҳуқуқий муҳофаза берилиши натижасида юзага келади.

Жумладан, 2015 йил мобайнида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги томонидан интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш бўйича 7111 та талабнома қабул қилинган ва улар бўйича белгиланган тартибда давлат экспертизаси ўтказилди. Натижада 2651 та интеллектуал мулк объектлари тегишли давлат реестрларига киритилди ва муҳофаза ҳужжатлари берилди. Агентлик томонидан интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқларни сотиш ва лицензия бериш бўйича 293 та шартнома рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини қатъий назорат қилиш, республикамиз ҳудудига қалбаки товарларнинг олиб кирилиши ва айланишига чек қўйиш чораларини амалга оширишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Контрафакт маҳсулотлар юртимиз ҳудудида тарқатилиши, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олишда муайян ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда ўтган йил мобайнида жойларда 46 марта мониторинг ишлари ўтказилиши натижасида жами 737 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Шунга мувофиқ, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ идораларига аудиовизуал маҳсулотлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларнинг контрафакт нусхалари йўқ қилиниши лозимлиги ҳақида эксперт хулосалари берилиб, амалий натижаларга эришилди.

Шунингдек, 150 дан ортиқ интернет тармоғининг "Uz" домени ҳудудида жойлашган сайтларда асарлар ва турдош ҳуқуқлар объектларидан ноқонуний фойдаланилиши ҳолатларини аниқлаш ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан ҳамкорликда қонуний чоралар кўриш бўйича мониторинг ишлари олиб борилди.

Шуни айтиш лозимки, интеллектуал мулк объектларидан ноқонуний равишда фойдаланганлик учун соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд жавобгарлик чоралари ҳозирги кун техника тараққиётига мос бўлиши кераклиги ҳам муҳим жиҳатлардан биридир. Масалан, айни пайтда техник воситаларнинг (интернет, уяли телефонлар, планшет компьютерлар, диск, флешка ва бошқа шу кабилар) турлари ва сонининг жадаллик билан ортиб бораётганлигини, моддий ташувчи ёки интернет тармоғидан ҳеч қийинчиликсиз фойдаланиш мумкинлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Шуни назарда тутиб, Агентлигимиз томонидан ушбу йўналишда айрим қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда қонундаги мавжуд нормаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида баъзи қонуности ҳужжатларини қабул қилиш лозимлиги ҳақида таклифлар ишлаб чиқилган.

**Комилжон ИСРОИЛОВ,**
**"Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари Палатаси" нодавлат нотижорат ташкилоти бош директори:**

– "Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари Палатаси" нодавлат нотижорат ташкилоти "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги қонуннинг 56-моддасида белгиланган нормалардан келиб чиқиб, мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот саналади. Палата ҳонандалар, миллий ва чет эл ҳуқуқ эгалари ҳамда фонограмма тайёрловчи ташкилотларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, уларнинг ҳуқуқларини жамоавий тарзда бошқаради ҳамда контрафакт маҳсулотлар тарқатилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирги кунда республикамиз ҳудудидаги бир қатор йирик ҳуқуқ эгалари ўз мулкий ҳуқуқларини "Ўзбекистон ҳуқуқ эгалари Палатаси"га тегишли шартномалар асосида топширганлиги соҳа тараққиётини ифодаловчи мисоллардан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 19 январдаги "Адабиёт ва санъат асарларидан фойдаланганликнинг айрим турлари учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкалари тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, асарлар оммавий ижро этилишини амалга оширадиган ёки ташкил этадиган барча жисмоний ва юридик шахслар (мулкчилик шаклларидан қатъи назар) асарларни оммавий ижро этилганлиги учун муаллифлик ҳаки тўловчилар ҳисобланади. Шунингдек, асарлардан фойдаланувчилар барча корхона ташкилотлар-муаллиф (муаллифлар) ёҳуд мулкий ҳуқуқларни жамоавий тарзда бошқарувчи ташкилот билан асарлардан фойдаланиш учун лицензия шартномалари тузишлари кераклиги белгилаб қўйилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, асарлардан фойдаланувчиларнинг ушбу йўналишдаги қонун-қоидалардан етарлича хабардор эмаслиги айрим қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқармоқда. 2015 йилда Тошкент шаҳар хўжалик судида Палата томонидан киритилган даъво аризалари юзасидан 50 дан ортиқ хўжалик ишлари кўриб чиқилган бўлиб, суднинг ҳал қилув қарорига кўра, етказилган зарар ҳуқуқ эгалари фойдасига тўлиқ ундирилган.

Айрим тадбиркорларнинг белгиланган қоидаларга риоя этмаслиги ҳоллари учрамоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Палата мутахассислари томонидан муаллифлик ҳуқуқи ва унинг аҳамиятини тушунтиришга қаратилган аудио ва видео роликлар тайёрланди.

Ўйлаймизки, соҳани ривожлантиришда мутасадди ташкилот, муассасалар ижтимоий ҳамкорликда иш олиб бориши ўз самарасини беради.

Тадбирда сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари ўз дастурий вазифаларининг келиб чиққан ҳолда нуқтаи назарларини баён қилдилар.

**Конференция якунида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ҳамда Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси тавсиялари қабул қилинди.**

**Дилором МАТКАРИМОВА,**
**"Adolat" мухбири**

IPOTEKA BANK

➢ Иқтисодиёт

**Истиқлол йилларида жамиятимизнинг барча соҳаларида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Энг муҳими, мустақиллик даврининг янги тушунчалари, ҳаётга, ижтимоий турмушга янгича замонавий қарашлар шаклланди. Жумладан, "тадбиркорлик", "ишбилармонлик" атамалари ҳаётимиздан, кундалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, тадбиркорлик – тараққиёт таянчи. Яна шуни мамнуният билан эътироф этиш керакки, жамиятимизнинг фаол қатлами бўлган хотин-қизлар орасида ҳам эркин тадбиркорлик билан шуғулланиб, катта муваффақиятларга эришаётган юртдошларимиз сони тобора ошиб бормоқда. Бу ҳам, албатта, мустақиллик яратган имкониятлардан биридир.**

# Аёл тадбиркорларимиз сафи кенгаймоқда

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ривожланишида бошқарувчилик, ишбилармонлик қобилиятига эга аёллар ўзларининг фаол ташаббускорлиги, ҳаракатчанлиги билан юрт равнақига салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Ҳозирда муҳтарама хотин-қизларимизнинг шижоатли, қатъиятли иштироки яққол кўриниб турмаган бирон соҳанинг ўзи йўқ.

Бугунги кун ўзбек аёли нафақат оилада, балки жамиятнинг турли жабҳаларида ўзининг бор иқтидори-ю, салоҳиятини намоён этаётганини мамнуният ва фахр билан тилга олиш мумкин. Миллий иқтисодиётимизнинг туб негизини ташкил қилаётган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг самарали ташкил этилишида, қолаверса, касаначилик ва оилавий ҳунармандчиликнинг юзага келиши ва ривожланишида аёл тадбиркорларнинг ўрни беқиёс. Ҳозирда фаолият олиб бораётган тадбиркорларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этади. Эркаклар билан бир сафда туриб, меҳнат қилаётган аёлларимизнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг касбий, маънавий, интеллектуал қобилиятини юзага чиқариш, бу орқали юртимизда соғлом оилаларнинг сонини кўпайтириш давлат сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Истиқболли бизнес лойиҳаларига эга тадбиркор хотин-қизларнинг ўз бизнесларини ҳаётга татбиқ этишида юртимиз молия бозорида ўзининг нуфузли ўрнига эга "Ипотека-банк" томонидан қўллаб-қувватланаётгани аёл тадбиркорларнинг сафи кенгайишига хизмат қилмоқда. Шунга мувофиқ, биргина 2015 йил якунларига кўра, тадбиркорлар аёллар лойиҳаларининг рўёби учун 96 миллиард сўмдан ортиқ сармоялар йўналтирилди. "Ипотека-банк" томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга йўналтирилаётган сармоялар эса, 2015 йил якунига кўра, қарийб 11 миллиард сўмни ташкил этди. Банк муассасаси томонидан касаначилик ва миллий ҳунармандчиликнинг барча турлари, қолаверса, саноатнинг бир неча йўналишларида хотин-қизларнинг самарали меҳнат қилишини таъминлаш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирда иқтисодиётнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган аёллар 45 фоизни ташкил қилган бўлса, хусусан, саноатда 28,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда 37 фоиз опа-сингилларимиз ўзининг шарафли касб-кори билан юрт равнақига ҳисса қўшиб келмоқда.

**Қимматхон СУЛТОНОВА,**
**"Спорт жиҳоз" хусусий корхонаси раҳбари:**

*– Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар давомийлиги барча соҳалардаги туб бурилишларни юзага келтирди. Давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар самараси ўлароқ, замонавий сифат стандартларига жавоб берадиган спорт пойабзаллари, буюмлари ва анжомларининг янги турларига бўлган талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Ушбу талабларни яхши ўрганган ҳолда корхонамизда турли спорт кийимларини тикишни йўлга қўйганмиз. Ҳозирда буюртмага асосан бир кеча-кундузда 300 дан ортиқ тайёр ҳолдаги спорт кийим-кечаклари ва анжомлари ишлаб чиқариш қувватига эга корхонамизда 30 дан ортиқ қизларимиз доимий иш билан таъминланган. Хомашё масаласида "Бешариқ текстиль" хусусий корхонаси билан доимий ҳамкорлик асосида иш олиб борамиз. "Ипотека-банк"нинг Тошкент шаҳар Амалиёт бошқармасидан олган 200 миллион сўм миқдордаги сармоя эвазига замонавий тикув дастгоҳларини сотиб олдик. Шундан сўнг ишларимиз анчагина юришиб, маҳсулотларимиз бозори ҳам чаққон бўлиб қолди. Яқин келажакда фаолиятимизни янада кенгайтириб, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи билан маҳсулотларимиз дунё бозорларини забт этишини ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозир хориждаги турдош корхоналарнинг иш тажрибаларидан унумли фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришнинг янги-янги турларини юртимизнинг бошқа вилоятларига ҳам кенг жорий қилиш ниятидамиз. Энг асосийси, эртанги кунимиз эгалари бўлмиш болажонларимизнинг айнан биз тиккан либосларда спорт мусобақаларида иштирок этиб, юксак марраларини эгаллаётганидан жуда мамнунмиз.*

*Банк билан бўлган мулоқотлар чоғида шунга амин бўлдимки, "Ипотека-банк" ходимлари юксак профессионал касб маҳоратига эга. Биз каби аёл тадбиркорларга жамият томонидан, қолаверса, молия муассасалари томонидан яратилаётган қулайликлар ва имтиёзлардан, банк хизматларининг мақбуллигидан чексиз миннатдормиз. "Ипотека-банк"нинг кўп йиллик мижози эканлигимизни ҳисобга олиб айтишим мумкинки, банк томонидан мижозлар билан ишлашнинг ниҳоятда қулай механизми ишлаб чиқилган.*

Xizmatlar litsenziyalangan

**Шоҳсанам МУРОДОВА,**
**"Оқдарё-файз карпет" хусусий корхонаси раҳбари:**

*– Мустақиллик йилларида аёлларга кўрсатилаётган чуқур эҳтиром ва эътибордан кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Авваллари ҳозиргидек мустақил иш фаолиятига эга бошқарувчи, қолаверса, етакчи аёллар гуруҳлари вужудга келиши етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган эди. Ҳозирда аёлларнинг жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишига, қишлоқ аёллари турмуш шароитини яхшилаш, зарур қулайликларга эга иш ва дам олишлари учун имконият яратиш, бир сўз билан айтганда, оғирини енгил қилишга қаратилган изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон том маънода улкан имкониятлар мамлакати. Юртимизда мавжуд маҳаллий хомашё – жунтола манбаидан унумли фойдаланган ҳолда мен ҳам ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Корхонамиз ҳозирги кунда энг бозори чаққон маҳсулотлардан бўлмиш гилам ва палослар ишлаб чиқаришга мослашган. Сўнгги технологиялар асосида, замонавий услубда тўқилаётган гиламларимиз бугун ҳар бир ўзбек хонадонини тўлдириб турибди. Ҳозир бир кунда 350-400 метр квадрат гилам тўқиш қувватига эга корхонамизда 30 дан ортиқ юртдошларимиз меҳнат қилишмоқда. Ҳаммамиз бир эзгу мақсад сари ҳаракат қилганимиз самараси ўлароқ, ишлаб чиқариш кўрсаткичларимиз яхшиланиб бормоқда. Самарқанд гиламлари довруғи бутун дунёга ёйилмоқда. Молиявий жиҳатдан анчагина оёққа туриб олганимиздан сўнг корхонамиз қошида пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида бизнес лойиҳа билан яна "Ипотека-банк"ка мурожаат қилдик. Банк томонидан ўз вақтида ажратилган 150 миллион сўмлик сармоя эвазига жаҳон стандартларига мос оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирда куниға 2200 жуфт мавсумбоп пойабзал тайёрланаётган бўлса, бу билан нафақат ички бозорни таъминлаяпмиз, балки Козоғистон, Қирғизистон каби қўшни давлатларга маҳсулотимизни экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлмоқдамиз. Мен ҳам ўз фаолиятим орқали юрт тараққиётига оз бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан ниҳоятда мамнунман.*

**Ҳикоят ПОЛВОНОВА,**
**"Исломбек мебель файз сервис" хусусий корхонаси раҳбари:**

*– Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни кўнглимга тугиб қўйганимда ҳали анча ёш эдим. Дастлаб бир неча кишидан иборат гуруҳимиз билан болалар учун ётоқ мебеллари, сандиқ, ошхона мебеллари ишлаб чиқарар эдик. Маҳсулотнинг сифати бир кишига боғлиқ эмас, ҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилсангиз мақсадга эришасиз. 2013 йилда "Ипотека-банк"нинг Бекобод филиалига сармоя сўраб мурожаат қилганимизда банк томонидан 20 миллион сўм миқдорида сармоя ажратилди. Иш фаолиятимиз кенгайиб бориши билан сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланиб бормоқда. Соҳада орттирган тажрибаларимиз самараси ўлароқ, маҳсулотларимиз шиддат билан ички бозорларимизни эгаллай бошлади. Мебелларнинг янги турларини ишлаб чиқаришга эҳтиёж кўпайганини ҳисобга олиб, иш кўламини кенгайтириш мақсадида банкка яна молиявий кўмак сўраб мурожаат қилдик. Бизнес лойиҳамиз ижобий баҳоланиб, бизга 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратиб берилди. Натижада юмшоқ мебелларнинг бир неча турларини тайёрлашга ихтисослашган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олишга муваффақ бўлдик. Ҳозирда бир кеча-кундузда 4,5-5 миллион сўмлик махсулот тайёрлаб бераётган ишчиларимизнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежи битирувчиларидир.*

*Бизнеснинг муҳим хусусияти бу аниқликдир, деб ўйлайман. Хомчўтлар билан ё остидан ё устидан қилиб иш кўриб бўлмайди, чунки бунда неча-неча кишиларнинг манфаати бир нуқтада бирлашади. Эндиликда тадбиркорлик кўплаб изланишларни талаб қилмоқда. Янгиликлар сари олга интилган ҳолда муваффақиятларимиз кўлами кенгайиб бормоқда. Қувонч билан шуни айта оламанки, ҳозирда харидоргир маҳсулотларимизга талаб кун сайин ортиб бормоқда. Биз каби эзгу мақсадларни дилига жо қилган тадбиркор, етакчи, фаол аёллар давлатимиз томонидан, қолаверса, молия муассасалари томонидан ҳар тарафлама қўллаб-қувватланаётгани кўриб, кўнглимизда эртанги кунга бўлган юксак ишонч туйғуси жўш уради.*

Reklama o'rnida

**Банк материаллари асосида «Adolat» мухбири Зарафшон ҚАЛАНДАРОВА тайёрлади.**

# 8 Март ОНАЖОНИМ...

## ➢ Соғинч мактуби

**Сизни соғиндим, жуда ҳам соғиндим, бу туйғу вужудимни қамраб олди. Биргина "қизим, қизгинам" дейишингизни, шу сўзларни айтганингиздаги юрагингиз ҳароратини, бу ёруғ оламда ҳеч нимага тенг кўриб бўлмайдиган меҳрингизни қўмсаб, ҳар оқшом, ҳар тонг соғинч дарёсига ғарқ бўламан.**

Сезасиз чоғи, қачон бир нимадан кўнглим чўккани-да, кимдир юрагимга озгина бўлса-да озор етказганида ёки кимларнингдир менга нисбатан адолатсизлигидан изтироб чекканимда, бу тўғрида яқинларимга ҳам бир нима дея олмай, ўз ёғимга ўзим қоврилаётганимда, албатта, қўнғироқ қиласиз. "Қизим" дейишингиз билан кўзларимга ёш келади. Кўрмасам-да, сезаман — сиз ҳам кўз ёши қиласиз, юрагингиз эриб йиғлайсиз. Иккимиз ҳам бу маҳзун ҳолатимизни бир-биримиздан яширишга ҳаракат қиламиз. Бир-биримизни овутамиз, хаёлан бир-биримизга суянамиз.

Онажоним, биласизми, бугун мен худди қайтадан туғилгандайман. Дунёга қайта келиб, қайта кўз очгандайман. Анчадан бери мени ўртаётган изтироб азобидан қутулгандайман. Парвозга шайланиб турган қушман гўё. Сизга қандай тушунтирсам экан, ўзингиз: "Қизим, иродали бўл, ўзингга ишон. Дунёда яхши инсонлар кўп, уларни ўзингга устоз деб бил", дея кўп бора айтардингиз. Шу насиҳатингиз бугун менга қанот бўлди. Мени тушкунлик, ишончсизлик ёқасидан қайтарди, ўзимга нисбатан ўзимнинг ишончимни мустаҳкамлади.

Китоблардан бирида ўқиган эдим — ўзига ишонган одамни енгиш қийин бўлар экан. Шаҳар, ҳарқалай шаҳар-да, хаммага ҳам бахт, ишонч, парвозига қанот улаша олмайди. Гоҳо текис йўлда қоқилиб кетиш мумкин. Гоҳо... сени тушунмай қоладилар. Гоҳо энг яқинларинг ҳам ўз ҳаловатларини ўйлаб, сени аро йўлда қолдириб кетишади, дўстлик ришталарини узишади. Бу қилган ишлари учун азобланишмайди. Сен эса азобда қоласан, гуноҳсиз бўлсанг ҳам азоб дарёсига чўкасан.

Мен яна бир бор тушундимки, инсоннинг ўзига нисбатан ишончи буюк қудрат экан. Шу ишонч туфайли у йўлида ногаҳонда пайдо бўлган ҳар қандай муаммони енгиб ўта олар экан.

Бу ишонч вужудимга она сути билан кирганлигини англадим, онажоним.

Ана, телефоним жиринглаяти. Бу — Сизсиз, Онажон!

**Мавлуда ШУКУРОВА,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси**

## САДИЯ МОМОНИНГ ДУОСИ

**Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Ибрат маҳалласида умргузаронлик қилаётган Садияхон момо Иномова бу йил 118 баҳорни қаршилади.**

*Момо 8 фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Ўғиллари Ғиёсиддин ота 78, Салоҳиддин ота 76 ёшда. 80 ёшли қизи Саодат она эса момога девор-дармиён қўшни.*

*Халқаро хотин-қизлар куни арафасида момони байрам билан қутлаш учун келаётганлар кўп.*

*– Шу кунларга етказганига шукр, – дейди Садияхон момо. – Илоҳим, юртимиз тинч, элимиз фаровон бўлсин. Фарзандлар камолини кўриш барчага насиб этсин!*

**Суратда:** Садияхон момо эвараси Шодия ва чевараси Муҳаммад билан.

**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат**

## ? Ҳуқуқий маслаҳат

**— Айрим турдаги касалликка дучор бўлган болалар учун мўлжалланган мактабгача таълим муассасалари фаолият юритиши ҳақида эшитиб қолдим. Уларга болани жойлаштириш учун қандай ҳужжатлар топширилади?**
***Р.Абдуалимова, Тошкент шаҳри.***

*— Айни пайтда республикамизда 5 турдаги (нутқида оғир нуқсонлари бўлган болалар учун, эшитишда оғир нуқсонлари бўлган болалар учун, кўришда оғир нуқсонлари бўлган болалар учун, психик нуқсонли (психик ривожланишда кечикиш, ақли заиф) болалар учун, таянч-ҳаракатланиш аъзосида нуқсонлар бўлган болалар учун) махсус ҳамда 2 та турдаги санатор (гепатит касаллиги билан оғриган болалар учун, сил индексацияси аниқланган болалар учун) мактабгача таълим муассасалари мавжуд. Бу муассасаларга фарзандингизни жойлаш учун яшаш манзилингиз бўйича оилавий шифохоналарга мурожаат қилишингиз лозим.*

*Махсус мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш тиббий-психологик-педагогик комиссияларнинг хулосасида белгиланади.*

*Комиссия хулосасини олиш учун ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:*

*боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси (икки нусхада);*

*боланинг отаси ёки онасининг (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) паспорти нусхаси (икки нусхада);*

*яшаш жойидаги психоневролог, дефектолог, оториноларинголог, ортопед, окулист шифокорларнинг бола нутқидаги нуқсони, унинг эшитиш ва кўриш, таянч-ҳаракатланиш аъзосидаги нуқсонлари бўйича қўйилган ташхислари (асли ва нусхаси);*

*бола умумий типдаги муассасага қатнаган бўлса, унинг жисмоний ёки ақлий ривожланишига берилган, муассаса мудирининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган тавсифнома (асли ва нусхаси).*

*Комиссияга юборилаётган болаларга яшаш жойидаги шифокор (тор мутахассислар)лар томонидан қўйилган ташхис шифохона бош шифокори (у бўлмаган ҳолларда унинг ўринбосари)нинг имзоси ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.*

**Саволга Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиги Сабоҳат МИРЖАЛИЛОВА жавоб берди.**

**— Отам болалигимиздан бошлаб бирга яшаб келаётган уйимизни кенжа укамизга васият қилиб қолдирмоқчи. Бироқ отам ҳозирги пайтда шифохонада даволанаяпти. Юридик коллежда таҳсил олаётган жияним шифохонадаги холис масъул шахслар ёрдамида васиятномани расмийлаштириш мумкин, деб қолди. Шу гап тўғрими? Васиятнома тасдиқланган ҳолатда ушбу ҳовлижойга укамдан бошқа фарзандлар эгалик қила оладими?**
***Б.Солиев, Бухоро шаҳри.***

*— Жиянингиз тўғри айтибди. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1126-моддасига асосан касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятномалар нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилади.*

*Энди бошқа фарзандларнинг улуши ҳақида гап кетганда, юқорида номи келтирилган кодекснинг 1142-моддасига мурожаат қилиш тавсия этилади. Мазкур моддага асосан мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.*

**Саволга Адлия вазирлиги Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармаси катта маслаҳатчиси Дониёрбек ЁҚУБОВ жавоб берди.**


Reklama

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

ASAKA BANK

«АСАКА» БАНК

Юртимизнинг барча аёлларини, онахонларни ва опа-сингилларни 8 Март – Халқаро хотин-қизлар куни байрами билан чин дилдан табриклайди!

*Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва ҳамиша баҳор гулларидек гўзал бўлишингизни тилаймиз!*
*Мамлакатимиз осмони доимо беғубор бўлсин,*
*Сизларнинг қалбларингиз ҳамиша қувончларга тўлсин!*
*Байрам муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз:*

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

**Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.**

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

**Сизнинг омонатларингиз:**
- **солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!**
- **маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!**
- **эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!**
- **миқдори чекланмаган!**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 227-15-68 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 770-21-29 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Зарафшон филиали | 436 | 572-40-14 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 770-05-19 |
| Сирғали филиали | 371 | 257-44-10 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 233-65-47 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 223-60-74 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-71-76 |
| Асака филиали | 374 | 233-21-99 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-07-41 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-96-63 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 244-39-14 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-62-23 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 228-14-81 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-19-80 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Қўқон филиали | 373 | 542-61-01 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва қўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

www.asakabank.com



AGROBANK

# ТАДБИРКОРГА ЯҚИН КЎМАКЧИ, ИШОНЧЛИ ТАЯНЧ

## ➢ Молия муассасаларида

**Таъкидлаш ўринлики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан улкан кўламдаги ишлар амалга оширилаётир. Мазкур тармоқни янада тараққий эттириш мақсадида ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши соҳага қаратилаётган эътиборнинг ёрқин кўринишидир.**

Президентимизнинг 2015 йил 15 майда қабул қилинган "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам мазкур тармоқнинг янада тараққий этишига кенг йўл очиб берди.

Ана шу тармоқни ривожлантириш борасида олиб борилаётган амалий ишларда тижорат банкларнинг иштироки ва молиявий кўмаги муҳим аҳамиятга эга бўлаётир.

Бу борада "Агробанк" АТБ томонидан олиб борилаётган амалий ишларга назар ташлайдиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга ва уларни янада ривожлантиришга асосий эътибор қаратиб келаётганлиги юқоридаги фикримизнинг тасдиғидир.

Хусусан, банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган 2015 йилда ҳам кредитлар ажратиш параметрлари тасдиқланди.

Мазкур параметрлар ижроси доирасида кичик бизнес субъектларига 931 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган кредит маблағлари миқдори 2014 йилга нисбатан 130 фоизга ўсишига эришилди. Ана шундай кенг кўламдаги саъй-харакатлар натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги ошаётир. Юртимиз иқтисодиёти янада юксалаётир.

Чунончи бу борадаги амалий ишлар банкнинг вилоятлардаги бошқарма ва филиаллари томонидан ҳам амалга оширилаётганлиги ҳудудларимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига замин яратаётир.

Бу борада "Агробанк" АТБнинг Жиззах вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан олиб борилаётган ишларга назар ташласак, улкан кўламдаги ислоҳотлар янада ойдинлашади.

Жумладан, жорий йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, банк бошқармаси томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 70 та кичик бизнес субъектларига 3384 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ушбу кредитлар ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 850 миллион сўмдан ошиб, 34 та янги иш ўрни яратилди. Шундан 1509 миллион сўм миқдоридаги микрокредитлар халқ истеъмол моллари, қишлоқ хўжалиги ва боғдорчилик ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ривожлантириш учун йўналтирилди.

— Юртимизда кундан-кунга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кўлами ва сифати ошмоқда, — дейди "FORISH BOBIR-BEK" МЧЖ раҳбари Мансур Исломов. — Шу тўфайли тадбиркорларимиз ҳам ўз ишларини мукаммал бизнес лойиҳа асосида шакллантиришга интилмоқдалар. Бунинг учун мамлакатимизда етарли шарт-шароит яратилган. Айниқса, тижорат банклари томонидан тадбиркорлар молиявий қўллаб-қувватланаётгани улкан аҳамиятга эга бўлаётир. "Агробанк" АТБнинг Фориш филиали аҳолига маиший хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш ва замонавий компьютер техникалари, электрон жиҳозлар сотиб олиш мақсадида тақдим этган лойиҳамизга 35 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратди. Ушбу кредит ҳисобига 4 та янги иш ўрни ташкил этилиб, аҳолига замонавий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

— Истиқлол шарофати билан юртимизнинг чекка-чекка олис ҳудудларида ҳам замонавий инфратузилма ривожланиб, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, янгидан-янги ишлаб чиқариш мажмуалари ишга туширилиб, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда, — дейди "Чақмоқ" фермер хўжалиги раҳбари Зафар Ҳакимов. — Айнан бу борадаги саъй-харакатлар тадбиркорларни янги марралар сари руҳлантирмоқда десам, муболаға бўлмайди. Чунки мамлакатимизда ишбилармонлар учун ҳар томонлама эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Мен ҳам ўз бизнесимни йўлга қўйиш ва уни ривожлантириш учун соҳа мутахассислари билан маслаҳатлашиб иш бошлаганман. Бу жараёнда молия муассасаларининг роли муҳим аҳамият касб этади. Биз республикамизнинг етакчи банкларидан бири "Агробанк" АТБ билан доимий ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз.

– Бугун биз тадбиркорларга давлатимиз томонидан улкан эътибор ва кўмак берилмоқда. Айниқса, банклар томонидан бизнес лойиҳамиз кредит маблағи билан молиялаштирилиши тадбиркорлигимизни тезроқ ва самарали йўлга қўйишимизда муҳим асос бўлмоқда, – дейди Пахтакор туманидаги "Пахтакор-Мингчинор" хусусий корхонаси раҳбари Сирожиддин Ўсаров. — "Агробанк"нинг Пахтакор филиали томонидан ажратилган 130 миллион сўмлик кредит маблағи ҳисобига юк ташиш ва енгил автомобилларга метан газ қуйиш шохобчасини ишга туширдик, 12 та янги иш ўрни яратилди. Инсон ўз олдига қўйган мақсадларга эришгандан сўнг ундан-да улкан ютуқларни қўлга киритишни истайди. Бу, албатта, тинимсиз изланиш, меҳнат самараси билан юзага чиқади. Келажакда корхонамиз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида бизнес лойиҳалар устида иш олиб бораяпмиз. Ўтган йили ғалла мавсумида иштирок этган транспорт воситаларига газ ёқилғиси қуйишни таъминлаш орқали 120 миллион сўмлик шартнома асосида метан гази етказиб берган бўлсак, жорий йилда даромадимиз янада ошади. Ана шундай самарали натижалар "Агробанк" билан бундан кейин ҳам ҳамкорлигимизни кенгайтиришга туртки бўлмоқда.

**Хулоса қилиб айтганда, банк ўз ишини, ўз бизнесини йўлга қўйишга, ривожлантиришга интилаётган хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашни зиммасидаги асосий вазифа, деб ҳисоблайди ва бу борада доимий ислоҳотлар олиб боради.**

**Банк матбуот хизмати**

Reklama o'rnida

Xizmatlar litsenziyalangan



МУАССИС: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Наримон УМАРОВ, Муҳаммад АЛИ, Гавҳар АЛИМОВА, Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА, Қодир ЖЎРАЕВ, Тошпўлат МАТИБАЕВ, Талъат МУРОДОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Собир ТУРСУНОВ, Алишер ШОДМОНОВ, Шуҳрат ЯКУБОВ

Бўлимлар:
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — *288-46-54* (149); Котибият — *288-42-14* (144); Ахборот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — *288-42-12* (146); Қабулхона — *288-42-23*; *288-42-12* (141) факс; Реклама бўлими — *233-41-89*.

**Навбатчи муҳаррир** — Суюндик Мамиров
**Навбатчи** — Бобиржон Тунгатов

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
**Таҳририят манзили:** *100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани «Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.*
**info@adolatgzt.uz**

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.*

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300. Адади — 11921 Босишга топшириш вақти — 20.15 Босишга топширилди — 21.15

*Баҳоси келишилган нархда*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5